

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

САДРИДДИН ХИДИРОВ

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ
ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ**

(ташкилий - услубий кўрсатмалар, маъруза ва мустақил иш режалари, реферат ёзиш бўйича услубий кўрсатмалар, тест саволлари, изоҳли луғат, схемалар)

сиртқи таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун

ЎҚУВ - УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2006

Тошкент Давлат юридик институти Ўқув-услугий кенгашининг қарорига кўра нашрга тавсия этилди. (2006 йил 26 октябр 2-сонли баённома)

Хидиров С.М. Давлат
ҳокимияти вакиллик органлари/
Ўқув-услугий қўлланма –Т.:ТДЮИ,
2006. – 125 б.

Масъул муҳаррир:

А.Тулаганов
юридик фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

А.Б.Чўлиев ,
юридик фанлари номзоди;
Д.Матрасулов,
юридик фанлари номзоди.

Мазкур ўқув-услугий қўлланма “Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” фани ўқув курсининг дастури асосида тайёрланган бўлиб, унда ташкилий - услубий кўрсатмалар, маъруза ва мустақил иш режалари, реферат ёзиш бўйича услубий кўрсатмалар, тест саволлари, изоҳли луғат, схемалар ва фанни чуқурроқ ўрганиш учун ҳар бир мавзу бўйича адабиётлар рўйхати ўз ифодасини топган. Ўқув–услугий қўлланмани тайёрлашда мамлакатимизда эълон қилинган юридик адабиётлардан фойдаланилган.

Ушбу ўқув-услугий қўлланма юридик олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва сиртки таълим йўналишида таҳсил олаётган талабаларига мўлжалланган.

© С.М.Хидиров, 2006

К И Р И Ш

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг вужудга келиши, унинг биринчи Конституцияси ва давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари тўғрисидаги республика қонунларининг қабул қилиниши «Давлат ҳокимияти вакиллик органлари» фани бўйича янги дастур ва дарслик яратиш масаласини кун тартибига қўйди.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида аҳоли хоҳиш-иродасининг ифода этилиши жамиятни демократлаштириш ва иқтисодий бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Вакиллик органларининг фаолиятининг такомиллаштирилиши фуқаролик жамиятини шакллантириш механизмининг ўзига хос демократик усулини вужудга келтиради. Жамият ҳаётини ривожлантириш чора-тадбирларининг белгиланиши ва амалга ошишининг назорат этилишида вакиллик органлари асосий ўрин тутди.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фанини ўқитишнинг мақсади; давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини ташкил этиш принциплари, функциялари ва ваколатларининг амалга ошишида давлат ва жамият тараққиётидаги ўрни ва ролини билиш, жамият ҳаётининг демократиялашувида вакиллик органларнинг роли ҳақида ҳуқуқий билим тасаввурларни шакллантиришдан иборатдир. Шунингдек, вакиллик органларининг функцияларида ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ривожланиш омиллари белгиланишининг аҳамияти тўғрисида тушунча бериб соҳа мутахассисларини тайёрлашдир.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фанининг бошқа фанлар билан "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи", "Хорижий мамлакатлар давлат ҳуқуқи", "Давлат ва ҳуқуқ назарияси", Давлат ва ҳуқуқ тарихи" каби фанлар билан ўзаро боғлиқдир.

"Давлат ҳокимияти вакиллик органлари" фани юридик олий ўқув юртларининг сиртқи таълим йўналишида 2-курс талабаларига бир ўқув семестри давомида ўқитилади. Дарс машғулотлари асосан, маъруза, мустақил таълим, таълим беришнинг бошқа замонавий шакллари ёрдамида амалга оширилади. Талабалар бунда тавсия этиладиган ўқув ва монографик-илмий адабиётлар ҳамда норматив ҳужжатлар билан ишлашни пухта ўзлаштирган бўлишлари талаб этилади.

"Давлат ҳокимияти вакиллик органлари" фани бўйича тайёрланган мазкур ўқув-услубий қўлланма ҳам Тошкент Давлат юридик институтида тасдиқланган ўқув дастурига ва давлат таълим стандартларига мос равишда тайёрланган бўлиб, у талабаларни Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фанини чуқур ўзлаштиришларига ёрдам беришга қаратилган.

Ўқув-услубий қўлланма ўз ичига фанни ўзлаштириш бўйича ташкилий-услубий кўрсатмалар, ўқув дастури, маърузалар, мустақил ишлар ва уларни ўтказиш ҳамда тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмалар, тест саволлари, назорат иши мавзулари ва уни ёзиш бўйича кўрсатмалар, мавзулар бўйича асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхатини қамраб олган.

Ушбу ўқув-услубий қўлланмада баъзи камчиликлар учраши ва айрим масалалар ёритилмаган бўлиши мумкин. Китобхонлар ўқув-услубий қўлланманинг сифатини яхшилаш борасида ўз мулоҳазаларини билдириб, унинг кейинги нашрлари янада мукамал бўлиб чиқишига ёрдам берадилар деган умиддамиз.

Фаннинг ўқитилишининг мақсад ва вазифалари

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши, суверен ва мустақил давлатнинг ташкил топиши давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятига доир муаммолар ечимини яна бир бор қайта кўриб чиқиш ва у асосида давлат – ҳуқуқий соҳасига кирувчи ўқув предметларни, жумладан «Давлат ҳокимияти вакиллик органлари» фанини ўқитишга янгича ёндашишлар зарурлигини тақозо этади.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини самарали ташкил этиш орқали аҳоли иродаси ва манфаатини тўлиқ ҳимоя қилиш имкониятига эга бўламиз. Қонун ва қонун ости актлари ижросини таъминлашда маҳаллий давлат ҳокимияти, айниқса, маҳаллий халқ депутатлари кенгашлари алоҳида ўрин тутди.

Ушбу фанни ўрганишдан мақсад талабаларга давлат ҳокимияти вакиллик органлари тизими, уларнинг функциялари ва ваколатлари доираси, шунингдек, жамият ҳаётини эркинлаштиришда ушбу органларнинг роли ҳақида маълум тасаввурлар бериш ҳисобланади. Бўлажак ҳуқуқшунослар барча ҳуқуқ соҳаларини ўзлаштириш борасида ушбу фанни ўрганиш орқали олган муайян билимларидан фойдаланадилар.

Ўқув курсининг вазифаси талабаларга давлат ҳокимияти вакиллик органлари тизимига оид масалаларни, уларнинг функциялари, ваколатлари, шунингдек ижтимоий ҳаётни эркинлаштиришда ушбу органларнинг аҳамияти тўғрисида тушунтириш беришдир. Талабалар бошқа ҳуқуқ фанларини ўрганиш жараёнида "Давлат ҳокимияти вакиллик органлари " фанидан олган билимларига таянадилар.

" Давлат ҳокимияти вакиллик органлари " ўқув курси "ҳуқуқшунослик" йўналиши бўйича ОТМ бакалавр босқичида ўқитилаётган талабалар учун мўлжалланган. Талабалар дастлаб "Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи", "Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи", "Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи" ўқув курсларини ўрганиб чиқишган.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, уқувига ва кўникмаларига қўйилган талаблар.

«Давлат ҳокимияти вакиллик органлари» ўқув курси ҳуқуқий ўқув курсларини ўрганиш учун талабаларга фақатгина ушбу ўқув курси дастури билан чекланмаслик тавсия этилади. Ҳуқуқшунос олимларнинг муниципал ҳуқуқ бўйича, шунингдек давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ҳақидаги илмий ишларини мустақил равишда ўрганиш зарур.

Бакалавр

давлат ҳокимияти вакиллик органлари ҳақидаги қонунчиликнинг замонавий ҳолати;

- бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида вакиллик органларининг тутган ўрни;

- давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органларига муайян ваколатларни топширишни кафолатлаш муаммолари ҳақида;

- вакиллик ва бевосита демократия қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси ҳақида

тасаввурга эга бўлиши керак.

- давлат ҳокимияти вакиллик органларига тааллуқли ҳуқуқ йўналишлари ва замонавий талаблар;

- вакиллик, ижро ҳокимияти органлари тизимини, ҳуқуқий ҳолатини, мақсади, вазифалари ва фаолиятининг таркиби;

- вакиллик органларининг тузилиши, функциялари, шакли ва иш услублари;

- вакиллик ва ижро ҳокимияти ўртасидаги муносабатларнинг асосий муаммоларини

билиши ва қўллаш олиши керак.

- вакиллик органлари фани бўйича назарий билимларини амалиётда татбиқ этиш;

- мазкур предмет муаммолари бўйича юридик ҳужжатларни тўпламоқ, умумлаштирмоқ ва анализ қилиш, шунингдек қабул қилинган бошқарув қарорларининг ҳуқуқий ва иқтисодий – социал оқибатларини прогноз қилиш;

- давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ваколат доирасини фарқлаш юзасидан

кўникмаларга эга бўлиши керак.

Ўқитишнинг компьютер, информацион ва бошқа янги технологияларни қўллаш.

Мазкур ўқув курсини ўрганиш ўқитишнинг анъанавий ва илғор услубларини, жумладан:

Педагогик технологиялар- экспресс сўровлар; тест сўровлари; дастурий ўқитиш; давра суҳбатларини ўтказиш; коллоквиумлар; техник воситаларни қўллаш; қизиқарли ўйинлар; онгли таъсир; демонстрация; экскурсиялар; казусларни ечиш; имитация; муаммоли ўқитиш; муаммоларни аниқлаш учун алоҳида мавзулар бўйича етук мутахассисларни таклиф этиш; дебатлар; талабалар томонидан маърузаларга тайёрланиш; машғулотларни жойларда ташкил этиш (масалан, Ўзбекитон Республикаси Олий Мажлиси, ҳокимиятлар, мансабдор шахслар билан учрашувлар ўтказиш ва бошқалар.)

Ахборот технологиялари – схемалар; видео-аудио материаллари; мультимедия; кадоскоп ёрдамида слайдлар кўрсатиш; интернет маълумотларидан фойдаланилади.

ТАШКИЛИЙ УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Олий юридик ўқув юртларида давлат ҳокимияти вакиллик органлари шаклланиши ва фаолияти ҳуқуқий масалалари анъанавий тарзда алоҳида ўқув предмети - " Давлат ҳокимияти вакиллик органлари " доирасида ўрганиб келинади.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фани вакиллик органларини вужудга келиши, ривожланишини ва вакиллик органлари фаолиятида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни ўрганади.

Давлат ҳокимияти вакиллик фанининг мазмуни қуйидагиларни ўзида ифодалайди:

1. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари тизими - уларни ташкил этиш принциплари, Кенгашларининг турлари, уларнинг ўзаро ва бошқа давлат органлари билан ҳамда жамоат бирлашмалари билан муносабати.

2. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари функциялари, яъни улар фаолиятининг асосий йўналишлари, уларнинг давлат, ҳўжалик ва ижтимоий - маданий қурилишга раҳбарлиги.

3. Халқ депутатлари Кенгашларининг ички ташкилий тузилиши, ижроия органларининг тузилиши ва ички ташкилий қисмларининг ўзаро муносабати.

4. Халқ депутатлари Кенгашларининг фаолиятини уюштириш, яъни улар фаолиятининг ташкилий услуб ва шакллари.

Бу фанда ижтимоий муносабатларни ўрганишнинг қатор махсус услублари мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик шароитида республикадаги иқтисодиёт, социал-сиёсий ва мафкуравий шароитларни ҳисобга олган ҳолда халқ депутатлари Кенгашлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хусусиятларини таҳлил қилиш ана шу услубларнинг муҳим талабларидан биридир. Бу услублар қуйидагилардан иборат:

1. "Давлат ҳокимияти вакиллик органлари" фанида тадрижий ёндашиш услуби кенг қўлланилади. Бу услубда, биринчидан, вакиллик органларини ўзаро алоқада бўлувчи махсус ижтимоий тизим сифатида ўрганади. Халқ депутатлари Кенгашларининг функциялари барча вакиллик органлари фаолияти учун ягона бўлган ташкилий шакллари системали ёндашиш ёрдамида ўрганилиши лозим. Иккинчидан, ҳар бир алоҳида олинган халқ депутатлари Кенгашининг ички тузилиши системали ёндашиш ёрдамида ўрганилади.

2. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши шароитида республикада ташкил топган Давлат ҳокимияти вакиллик органларига тарихий ёндашиш услуби муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу республикада халқ депутатлари Кенгашларининг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнини кўрсатиб беради.

3. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари тўғрисидаги билим учун асосий манбалардан бири ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бўлганлиги сабабли бу фанда меъёрий-манتيкий, услубий ёндашиш катта аҳамият касб этади. Бу ҳуқуқий меъёрларни халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятига таъсир натижаларини белгилаш ҳамда халқ депутатлари Кенгашлари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш учун зарур услуб.

4. Муайян социологик тадқиқотлар услуби ёрдамида халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти тўғрисидаги ҳақиқий, тўғри маълумотлар тўплаш имконияти яратилади. Бу маълумотларни олиш учун саволнома, сўровнома (анкета) тарзида жавоб олинади, ҳар хил статистик маълумотларни электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида йиғилади ва қайта ишланилади.

5. “Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” фанида таққослаш услубидан кенг фойдаланилади. Биринчидан, Ўзбекистонда фаолият кўрсатиб турган халқ депутатлари Кенгашлари бошқа вакиллик органлари билан таққосланса, иккинчидан, Ўзбекистон Республикасидаги олий ва маҳаллий Кенгашлар фаолиятини ташкил этишдаги фарқлар ва бир-бирига ўхшашликлар таққосланади.

6. Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишда, иш фаолиятининг янги шаклларини вужудга келтириш ва ривожлантиришда моделлаштириш услуби муҳим ўрин тутди. Янги орган ёки янги орган қисми учун, Кенгашлар ва ҳокимликлар фаолиятига тааллуқли ҳуқуқий ҳужжатлар моделлари яратилади.

7. Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд халқ депутатлари Кенгашлари тизимида уларнинг ҳуқуқий ҳолатида бирма-бир ўзгартиришлар қилиш керакми ёки йўқлигини, улар фаолиятига бошқарувни ва бошқарув меҳнати унсурларини татбиқ қилиш керакми ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида эксперимент ўтказилади. Масалан, Ўзбекистонда халқ депутатлари Кенгашлари раёсатини тузиш, уларнинг раисларини сайлаш, Тошкент шаҳар ҳокимининг Тошкент шаҳар аҳолиси томонидан сайланиши эксперимент тариқасида ўтказилган эди.

“Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” фанининг тизими шундай тузилган: курснинг вазифалари, бошқа юридик фанлар қаторида тутган ўрни, шу фан ўрганадиган институтларнинг мазмуни ҳақидаги асосий саволлар ташкил этади ва улар қуйидагилардир:

1. Илмий фан сифатида «давлат ҳокимияти вакиллик органлари фанининг назарий масалалари.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий вакиллик давлат ҳокимияти органининг ташкилий фаолияти.

3. Ҳокимлар бошчилик қиладиган маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларининг ички ташкилий ва оммавий-ташкилий фаолияти.

4. Халқ депутатлари Кенгашлари ва жамоат уюшмаларининг биргаликдаги фаолияти шакллари.

5. Халқ депутатлари Кенгашларига ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнидаги ички ташкилий ва оммавий - ташкилий фаолияти.

Курс материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг фалсафа, мантиқ, сиёсатшунослик, тарих, социология, маданиятшунослик ва бошқа умумижтимоий фанлар доирасида олган назарий билимлари таянч аҳамиятга эга бўлади.

“Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” фани бўйича ўқув жараёни маъруза, амалий машғулотлар, мустақил иш, якуний имтиҳонни ўз ичига олади. **Маъруза машғулотларини** ўтишда ўқитувчи мавзунинг асосий тушунчаларини ва у билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий муаммоларни ифода этади ва тушунтириб беради. Талабалар дарс жараёнида маърузани

диққат билан эшитишлари ва унинг асосий мазмунини ёзиб олишлари лозим бўлади. Ҳозирги пайтда маъруза машғулотларининг аҳамияти муайян масалалар юзасидан ўқув адабиётларида турли хил маълумот ва фикрларнинг мавжудлиги туфайли айниқса ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, умумий услубий базага асосланган, ечилмас ички қарама-қаршилиқлар бўлмаган маъруза курсини ўзлаштириш зарурий аҳамият касб этади. Талабаларда дастлабки ҳуқуқий дунёқараш ҳали шаклланиб улгурмаган пайтда, маъруза жараёнида уларга қайси фикрларни асосий деб ҳисоблаш кераклигини ўргатиш муҳим аҳамиятга эга.

Семестр давомида машғулотларга тайёргарлик кўриб бориш имтиҳонни муваффақиятли топширишнинг гаровидир. Имтиҳонда маъруза материаллари ва дарсликлардаги фикрларни айнан такрорлаб айтиб бериш талаб этилмайди. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам берилган саволларга жавоб бериш учун талаба атамалардан эркин фойдаланиши, давлат ҳуқуқи тизимига алоқадор қонуниятларни тушунтириб бера олиши керак. Талаба амалий машғулот ва имтиҳонларда жавобларни ҳуқуқий-сиёсий воқелик билан боғлаб тушунтириб бера олиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

“Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” фанини чуқур ўрганишда мустақил ишнинг ҳам ўрни катта.

Мустақил иш – талаба томонидан ўқув курсининг муайян мавзуларини чуқурроқ ўрганишга қаратилган таълим шакли бўлиб, у ўз ичига: маъруза материали, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини, дастлабки манбаларни ўрганишни; рефератлар ёзишни; ўқитувчининг қўшимча топшириқларини бажаришни қамраб олади.

Мустақил ишни амалга оширишнинг услубиёти талабаларга ўқитувчи томонидан уларнинг ҳар бирини индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда белгиланади.

Мустақил ишни амалга ошириш вақти ва жойи (институт ўқув хонаси, кутубхона, талабалар турар жойи ва б.) ўқитувчи билан келишилган ҳолда талаба томонидан танланади.

“Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” фани бўйича мустақил ишнинг энг самарали усулларида бири бу талабалар томонидан **реферат тайёрлашдир**. Реферат (лотинчадан “хабар қилмоқ”) муайян мавзу бўйича ёзма шаклда тайёрланган маъруза бўлиб, у ўз ичига муайян мавзу бўйича тегишли адабиёт ва бошқа манбаларни кўриб чиқиш ёки бирор китоб, мақола, тадқиқотнинг мазмунини баён қилишни қамраб олади.

Реферат фанни ўрганиш жараёнида қўлланилиб, у ўз олдига талабаларнинг зарур касбий тайёргарликка эга бўлиши ва илмий изланиш кўникмаларини ривожлантиришни мақсад қилиб қўяди. Бунда талаба танланган мавзу бўйича адабиётларни ўрганиш, турли манба ва фикрларни таҳлил қилиш, материалларни умумлаштириш, уларнинг ичидан асосийсини ажратиб олиш ва хулосалар чиқариш кўникмасига эга бўлади. Талабалар рефератни тайёрлаш жараёнида “Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” курсининг мураккаб муаммоларини таҳлил қилиш, ўз фикрларини қисқа ва аниқ билдириш, ишни тўғри расмийлаштириш ва иш натижаларини баён қилишни ўрганадилар. Шу

билан бирга, реферат тайёрлаш бўлғуси мутахассисда ҳукукий маданиятнинг шаклланишига, юридик билимларнинг мустаҳкамланишига, ҳозирги даврнинг турли туман ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларини мустақил таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантиришга, Давлат ҳокимияти вакиллик органлари масалалари бўйича илмий асосланган баҳс мунозаралар олиб боришга имкон беради.

Реферат ёзиш жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мавзу танлаш;
- адабиётлар ва бошқа манбаларни топиш, ўрганиш ва уларни таҳлил этиш;
- режа тузиш;
- иш матнини ёзиш ва расмийлаштириш;
- рефератнинг қисқа баёнини семинар машғулотида ёки индивидуал тартибда ўқитувчига ифода этиб бериш.

Реферат “Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” фанининг энг долзарб мавзулари бўйича ёзилади. Рефератда илмий материалларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш асосида муаллифнинг турли қарашлари таққосланади ва тегишли далилларни келтириш орқали мавзу моҳиятига нисбатан талабанинг шахсий муносабати аниқланади.

Реферат мавзулари давлат ҳокимияти вакиллик органларининг муаммоли ва мунозарали масалаларини қамраб олган бўлиши керак. Реферат мавзулари рўйхати кафедрада тузилиб, талаба ўз хоҳишига кўра мавзунини танлайди, шунингдек илмий раҳбар билан келишган ҳолда ўз мавзусини таклиф қилиши ҳам мумкин.

Реферат ёзиш ишини танланган мавзуга оид маълумотларни дарслик ва маъруза матнларининг тегишли бўлимини ўқиб чиқишдан бошлаш керак. Мавзу ҳақида умумий тасаввур ҳосил бўлгач, талаба ўқитувчи томонидан тавсия этилган илмий ва бошқа манбаларни ўрганиб чиқиши лозим. Лекин талаба мавзу бўйича тавсия этилган манбалар рўйхати билан чегараланиб қолмаслиги, фанга оид библиографияни ўрганиш натижасида мустақил танланган ишлардан фойдаланиши ҳам мумкин. Айниқса, танланган мавзу бўйича янги адабиётларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга, шунингдек юридик журналлардаги мақолалардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Адабиётларни ўрганиш жараёнида назарий ва амалий материалларни йиғиб тизимлаштириш ва керакли маълумотларни қайд қилиб бориш тавсия этилади.

Реферат режасини шундай тузиш керакки, у мавзунинг мазмунини тўлиқ очиб берсин. Реферат, қоида бўйича, танланган мавзунинг илмий амалий аҳамияти, долзарблиги кўрсатилган *кириш*, муаммонинг моҳияти ва уни ечиш йўллари ифода этилган *асосий қисм*, баҳолар ва таклифлар кўрсатилган *хулоса* қисмларидан иборат бўлади. Рефератда асосий диққат-эътибор янги маълумотларга қаратилади, у ёки бу муаммо, китоб ва мақолаларга мурожаат этишнинг мақсадга мувофиқлиги аниқланади.

Материал баёни қисқа, аниқ ва изчил бўлиши керак. Фанга тааллуқли бўлмаган атамаларни қўллаш, мураккаб грамматик ифодалар, илмий муомалага кирмаган тушунча ва иборалардан фойдаланмаслик керак. Атамалар, алоҳида

сўзлар ва сўз бирикмаларини воқеа баёнидан четга чиқмаган ҳолда маъноси тушунарли бўлган умум қабул қилинган қисқартмалар билан алмаштиришга рухсат этилади. Рефератда ўрганилаётган муаммонинг асосий мазмунини очиб бериш ва реферат ҳажмининг қисқартириш учун схема ва жадваллардан фойдаланиш тавсия этилади. Рефератнинг ҳажми компьютер вариантда 15-25 бет, қўлёзма вариантда 25-30 бет бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Рефератнинг титул varaғида олий ўқув юрти, факультет, кафедра номи, реферат мавзусининг тўлиқ номи, талабанинг исми-шарифи, шунингдек илмий раҳбарнинг исми-шарифи, илмий даражаси ва унвони кўрсатилиши керак.

Талаба рефератни тайёрлашда эътиборни уни расмийлаштиришга, бет остидаги ҳавола(сноска)ларни жойлаштиришга қаратиши керак. Ҳавола (сноска) тўлиқ бўлиши, яъни: муаллиф исми-шарифи, китоб номи, нашр этилган жой ва йил, ҳавола олинган бет кўрсатилиши шарт. Журналлар ёки тўпламлардан олинган мақолалардан фойдаланганда муаллиф исми-шарифи, мақола номи, журнал ёки мақолалар тўплами номи, нашр этилган йили ва номери кўрсатилади. Газетадаги мақолаларда нашр этилган йил ва номердан ташқари, у чоп этилган ой ва кун ҳам кўрсатилади.

Матн ва ҳаволалардаги хатолар реферат учун қўйиладиган баҳога салбий таъсир қилади.

Талаба реферат мазмунини амалий машғулот жараёнида, тўғарак ва илмий конференцияларда ҳимоя қилиши мумкин. У олдиндан асосий тезисларни тайёрлаган ҳолда 7-10 минут давомида тадқиқот ишининг муҳим томонларини қисқа баён қилиши керак. Рефератни эркин баён қилиш тингловчиларнинг уни қабул қилишини осонлаштиради. Реферат билан боғлиқ маърузадан кейин муаллиф саволларга жавоб беради, реферат матни билан олдиндан танишиб чиққан оппонентлар унинг кучли ва кучсиз томонлари борасида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирадилар.

“Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” ўқув фанини ўрганиш манбалари

“Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” курсини ўрганишда ўқув адабиётлари сифатида охириги ўн беш йилда чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш тавсия этилади. Ўқув адабиётларидан фойдаланишда, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларига мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир.

Курсни ўрганишда давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган мамлакатимизнинг таниқли ҳуқуқшунос олимлари асарларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга (А.А.Аъзамхўжаев, Ш.З.Ўразаев, А.А.Азизхўжаев, З.М.Исломов, Ҳ.Б.Бобоев, М.М.Файзиев, А.Х.Саидов, Ҳ.Т.Одилқориев, Э.Ҳ.Халилов, А.Тулаганов, О.Хусанов, А.Турсунов, И.Ҳамедов, И.Жалилов). Шу билан бирга, “Тошкент Давлат юридик институти Ахборотномаси”, “Ҳуқуқ ва бурч”, “Фуқаролик жамияти”, “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари”, “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” каби мамлакатимизда чоп этиладиган журналлар билан бир қаторда МДҲ

давлатларида нашр этиладиган юридик журналлардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Олдин айтиб ўтилганидек, турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиб, ўрганиб бориш талаба учун муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳуқуқий актларнинг расмий нашрлари “Халқ сўзи”, “Народное слово” газеталари, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари тўплами каби манбалар ҳам талабаларнинг назарий билимлар билан бирга амалиётда қўлланилаётган ҳуқуқий актлар тўғрисидаги дунёқарашини шакллантиради ва уларнинг малакали мутахассис бўлиб етишишларида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ҳозирги вақтда ахборот олишнинг муҳим манбаи электрон ахборот тизимлари ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистонда «Norma», «Pravo» каби ҳуқуқий маълумотлар тизими мавжуд ва уларда жорий қонунчиликка оид барча норматив-ҳуқуқий актлар ўрин олган бўлиб, улар нафақат мутахассислар, балки оддий фуқаролар учун ҳам қулайлик туғдиради. «Norma» ҳуқуқий маълумотлар тизими 2000 йил январда ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги пайтгача тизимда ўзбек ва рус тилларида 60 дан ортиқ мавзудаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қонуности ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий актлар жойлаштирилган. Ҳар ҳафта «Norma» тизимига 100 дан ортиқ янги ҳужжатлар киритилади. Бу тизимдан фойдаланувчилар ҳафталик янги ҳужжатлар базасини электрон почта орқали ҳам олишлари мумкин.

Ўзида матбуот, радио ва телевидениенинг хусусиятлари ҳамда имкониятларини мужассамлаштирган ва ахборотни тезкор етказиб бериш даражаси бўйича энг мукаммал оммавий ахборот воситаси бўлган Интернетнинг ҳуқуқшуносликка оид сайтлари орқали ҳам талабалар “давлат ва ҳуқуқ назарияси” фанига оид маълумотларни олишлари мумкин.

Талабаларнинг “Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” ўқув курсини муваффақиятли ўзлаштиришлари учун тегишли ўқув ва илмий манбаларни тўғри ва етарли миқдорда тўплашлари катта аҳамиятга эга. Бундай манбаларни йиғиш жараёнида талабалар олий таълим муассасаси кутубхонасидаги манбалар (китоблар) билан чекланиб қолмасдан бошқа ҳар хил кутубхоналарга ҳам мурожаат қилсалар мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан: А.Навоий номидаги Давлат кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси фундаментал кутубхонаси ва б.

“Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” фани бўйича имтиҳонлар ва назорат ишларини қабул қилиш шуни кўрсатмоқдаки, айрим талабалар муайян мавзу ва масалаларни етарлича ўзлаштира олмаётдилар (“Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” методологияси, вакиллик органларининг ўзаро муносабатлари, вакиллик органлари томонидан жамоатчилик фикрини ўрганиш шакллари. Парламент сўрови).

Талабаларнинг ҳуқуқшуносликнинг умумназарий ва фундаментал масалалари юзасидан чуқур ва мустаҳкам билимларга эга бўлишлари учун тегишли манбалардан унумли фойдаланишлари муҳим аҳамиятга эга.

“Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” фанининг тузилиши

“Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” ўқув курсининг тузилиши давлат таълим стандартларига мос бўлиб, у ўз ичига бир қатор бўлимларни қамраб олган. Кириш бўлимида “Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” фанининг предмети ва методи; “Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” фанининг ижтимоий ва юридик фанлар тизимидаги ўрни каби масалалар кўриб чиқилади.

“Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” фани олий юридик ўқув юртлирининг сиртқи таълим йўналишидаги талабаларига 2 курснинг 2 семестрларида ўтилади. Семестрларнинг ҳар бирида талабалар ушбу фандан якуний назорат топширадилар.

ФАННИНГ ДАСТУРИ

1-мавзу. «Давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари» фанининг тушунчаси, предмети, тизими ва ўрганиш услублари.

Фаннинг тушунчаси ва предмети. Фаннинг манбалари ва бошқа фанлар билан ўзаро муносабати. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари тўғрисидаги қонунларнинг моҳияти. Фаннинг тизими. Фанни ўрганиш услублари (тадрижий, тизимли ёндашиш, социалогик тадқиқот олиб бориш, таққослаш, тарихий, мантиқий қиёслаш ва таҳлил қилиш).

2-мавзу. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти вакиллик органлари.

Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ҳуқуқий асослари. Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг турлари ва тизими. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари тизимида ваколатларнинг тақсимланиши. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати. Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари, туман халқ депутатлари Кенгашлари ва уларнинг ўзаро муносабатлари. Давлат органлари тизимида давлат ҳокимияти вакиллик органларининг тутган ўрни.

3-мавзу. Бевосита демократия шакллари.

Бевосита демократия тушунчаси ва турлари. Бевосита демократия шакллари. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари вазифаларини амалга оширилишида жамоат бирлашмалари ва оммавий ҳаракатлар. Вакиллик органлари томонидан жамоатчилик фикрини ўрганиш шакллари.

4-мавзу. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти вакиллик органларининг тарихи ва ривожланиш босқичлари.

Тоталитар тузум даврида давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолияти. Мустақиллик даврида давлат ҳокимияти вакиллик органлари ривожланишида ўзига хос хусусиятлар. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари ривожланишида дастлабки босқич (1991- 1995 йиллар). Бир палатали парламент тизимида давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолияти (1995 - 2004 йиллар). Парламент ислохотларининг ижтимоий зарурияти. Икки палатали парламент тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Парламент ислохотлари жараёнида И.А. Каримовнинг жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ғояларининг аҳамияти.

5-мавзу. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг асосий принциплари.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг принциплари тушунчаси ва аҳамияти. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида қонун устуворлиги принципи. Халқ ҳокимиятчилиги (демократизм) принципи. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг иштироки принципи. Коллегиаллик принципи. Ошкоралик

принципи. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида илмийлик принципининг аҳамияти. Миллатлар тенглиги принципи.

6-мавзу. Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг функциялари.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари функцияларининг тушунчаси. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари функцияларининг турлари. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари функцияларининг амалга ошириш шакллари. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари функцияларининг давлат ва жамиятни ривожлантиришдаги аҳамияти. Фуқаролик жамиятини шаклланишида вакиллик органларининг функциялари.

7-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасини шакллантиришдаги умумий принциплар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайлови жараёнини ташкил этиш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати сайлови жараёнини ташкил этиш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Сенатини шакллантиришдаги ўрни. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатини шакллантириш жараёнидаги ижтимоий муносабатлар таҳлили.

8-мавзу. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларини шакллантириш.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловдаги умумий принциплари. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлови жараёнини ташкил қилиш тартиби. Сайлов жараёнидаги ижтимоий муносабатлар таҳлили.

9-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятининг ташкилий шакллари ва Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг сессиялари.

И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида сўзлаган “Парламент жамият ҳаётининг кўзгуси” маърузасидаги ғоялар. Қонунчилик палатасининг доимий профессионал асосдаги фаолияти. Сессия-Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий ташкилий шакли. Қонунчилик палатаси Кенгаши ҳамда қўмиталар фаолияти. Сиёсий партия фракциялари ва депутатлар гуруҳлари фаолияти. Депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари. Сенатнинг ялпи мажлиси. Сенат Кенгаши, қўмита ва комиссиялар фаолияти. Сенаторларнинг ҳудуд манфаатларини ҳимоя қилиш функцияси. Палаталарнинг ўзаро муносабатларида келишув комиссияси. Парламент сўрови. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессиялари. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссияларининг фаолияти.

10-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг доимий қўмита ва комиссияларини шакллантириш тартиби. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўмита ва комиссиялари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши доимий комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг ваколатлари. Вақтинчалик комиссиялар ва улар фаолиятининг аҳамияти.

11-мавзу. Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг ҳуқуқий мақоми.

Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг ҳуқуқий мақоми. Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг функциялари. Ўзбекистон Республикасида Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси фаолиятининг кафолатлари. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг ҳуқуқий мақоми. Депутат ва Сенат аъзосини чақириб олиш асослари ва тартиби.

12-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг таркибий тузилмалари.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенати Кенгашининг таркиби ва улар фаолиятини ташкил этиш. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раисининг сайланиш тартиби. Спикер ва Сенат Раисининг ваколатлари. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси девони. Сенат девони. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракциялари ва депутатлар гуруҳи. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Регламенти. Олий Мажлиснинг Президент, ижро ва судлов ҳокимияти билан ўзаро муносабати.

13-мавзу. Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари.

Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари. Ҳоким маҳаллий ижро ҳокимиятининг раҳбари сифатида. Ҳоким ва Халқ депутатлари Кенгашларининг ўзаро муносабатлари. Ҳоким ваколатлари.

14-мавзу. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг асосий ташкилий услублари.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг ташкилий услублари тушунчаси. Вакиллик органлари фаолиятини режалаштириш. Қўмита, доимий комиссия ва депутатлар ишини режалаштириш. Вакиллик органлари ҳужжатларини тайёрлашни ташкил қилиш, ҳужжат лойиҳаларига қўйиладиган талаблар. Лойиҳа муҳокамаси. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари ҳужжатлари ижросини таъминлаш.

15-мавзу. Маҳаллий вакиллик органларининг тизими ва улар фаолиятини ташкил этиш.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг ҳуқуқий мақоми. Маҳаллий вакиллик органлари тизими тушунчаси, уларнинг таркиби, функциялари ва ваколатлари. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. Маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида ҳокимнинг раҳбарлиги. Кенгаш сессияларини чақириш ва ўтказиш тартиби.

16-мавзу. Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил қилиш.

Маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг қайта ташкил этилиши. Ҳокимларни вазифасига тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш тартиби. Ҳоким маҳкамаси. Ҳоким ўринбосарлари фаолиятини ташкил этиш. Маҳкама котибияти. Фаоллар йиғилиши. Шаҳар таркибидаги туман ҳокимликлари фаолиятини ташкил этиш, тармоқ мажмуалари. Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро муносабати.

СЕМЕСТРЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВ ЮКЛАМАСИ ҲАЖМИ.

Семестр	Юклама	Аудитория машғулоти тури бўйича ўқув юкламаси тақсимоти (соат).						Мустақил таълим
		Жами	Маърузалар	Амалий машғулот-лар	Лаборатория ишлари	Семинарлар	Курс иши (проект)	
4 семестр	54	12	12					42
Жами	54	12	12					42

ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ.

Семестрлар бўйича билимни назорат қилиш турлари.

Семестр	Назорат тури	%	Максимал балл (100%)	Ўтиш бали (55%)
4 семестр	Якуний баҳолаш	100	100	55

Талаба билимини баҳолаш.

қониқарсиз		қониқарли		яхши		аъло	
балл		балл		балл		балл	
min	max	min	max	min	max	min	max
0	54	55	70	71	85	86	100

МАШҒУЛОТЛАРНИНГ МАВЗУЛАР БЎЙИЧА РЕЖАСИ

№	Маърузалар номи	Маъруза (соат)	Мустақил таълим
1.	«Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини ташкил этиш» фанининг тушунчаси, предмети, тизими ва ўрганиш услублари.	2	6
2.	Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти вакиллик органлари.		
3.	Бевосита демократия шакллари.		
4.	Ўзбекистон Республикасида замонавий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг тарихи ва ривожланиш босқичлари.	4	12
5.	Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг асосий принциплари.		
6.	Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг функциялари.		
7.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари.		
8.	Халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларини шакллантириш.	4	12
9.	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятининг ташкилий шакллари ва Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг сессиялари.		
10.	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг қўмита ва комиссиялари.		
11.	Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг ҳуқуқий мақоми.		
12.	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенат таркибий тузилмалари.		
13.	Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари.	2	12
14.	Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг асосий ташкилий услублари.		
15.	Маҳаллий вакиллик органларининг тизими ва улар фаолиятини ташкил этиш.		
16.	Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил қилиш.		
	Жами	12	42

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАНИ БЎЙИЧА МАЪРУЗА ТЕЗИСЛАРИ

1-мавзу. «Давлат ҳокимияти вакиллик органлари» фанининг тушунчаси, предмети, тизими ва ўрганиш услублари

Режа

- 1.Фаннинг тушунчаси ва предмети.
- 2.Фаннинг манбалари ва бошқа фанлар билан ўзаро муносабати.
- 3.Давлат ҳокимияти вакиллик органлари тўғрисидаги қонунларнинг моҳияти.
- 4.Фаннинг тизими.
- 5.Фанни ўрганиш услублари (тадрижий, тизимли ёндашиш, социалогик тадқиқот олиб бориш, таққослаш, тарихий, мантиқий қиёслаш ва таҳлил қилиш).

Фойдаланадиган адабиётлар руйхати ***Раҳбарий адабиётлар***

1. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11-Т.: Ўзбекистон, 2003.-320-б.
2. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12-Т.: Ўзбекистон, 2004.-400-б.
3. Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди». Т., “Ўзбекистон” НМИУ. 2005.-64б.
4. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13-Т: «Ўзбекистон», 2005.-448-б.
5. Каримов И.А. “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият» Т.: «Ўзбекистон», 2005. – 48 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон» 2003 .- 40б.
2. “Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги қонун // Ўзбекистон республикаси қонунлар тўплами, 2005 й, №8-9, 64 б.
3. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 02.12.2004 й. 704-П Қонуни билан тасдиқланган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2004 й.
4. “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 02.12.2004 й. 706-П Қонуни билан тасдиқланган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2004 й.

- “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 518-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 132-модда
5. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 518-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 132-модда (Хужжатнинг олдинги таҳририга қаранг)
6. “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 520-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 134-модда
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 522-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 136-модда
8. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 523-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 137-модда
9. “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 04.04.2002 й. 350-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 4-5-сон, 60-модда
10. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 432-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 12-сон, 213-модда // Ўзбекистон Республикаси 25.04.2003 й. 482-II-сонли Қонун билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 5-сон, 67-модда
11. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 434-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 12-сон, 215-модда // Ўзбекистон Республикаси 25.04.2003 й. 482-II-сонли Қонун билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 5-сон, 67-модда
12. “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 30.08.2001 й. 265-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 9-10-сон, 176-модда // Ўзбекистон Республикаси 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонун билан ўзгартиришлар киритилган
13. Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси
- 14.

02.09.1993 й. 913-ХП-сон Қонуни) / Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси 1993 й. 9-сон, 320-модда // Ўзбекистон Республикаси 30.08.1997 й. 485-І-сон Қонуни, 25.12.1998 й. 729-І-сон Қонуни, 03.12.2004 й. 71

4-ІІ-сон Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997 й. 9-сон, 241-модда, 1999 й. 1-сон, 20-модда

15. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 14.04.1999 й. 758-І-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1999 й. 5-сон, 110-модда

Асосий адабиётлар

1. Тўлаганов А. Т. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари. Дарслик. Т. : Адолат. 2001 й -231б.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи . Дарслик. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 480 б.
3. Одилқориев Ҳ.Т, Тулътйев И.Т, Мухамедов Ў.Х. Конституциявий ҳуқуқ. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005 й. 752 б.
4. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Том 3. Отв. ред. Б.А.Страшун. -М.: Бек. 1997. - 764 с.
5. Парламенты мира: Сб. -М.: Интерпракс. 1991. - 624 с.
6. Конституционное право зарубежных стран. /В.Е. Чиркин Москва: Изд-во "Юристъ", 2002. - 622 с.
7. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. Т. : Т.Д.Ю.И. 2006- 456 б .

Қўшимча адабиётлар

1. Халилов Э.Х. Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида Олий Мажлис фаолиятининг асосий йўналишлари // Ҳаёт ва қонун. 1998. №5. 2-11 б.

Назорат саволлари

1. Республикада давлат ҳокимияти тизимида қандай ислохотлар амалга оширилди?
2. Давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари фанининг мазмуни нималарни ўз ичига олади?
3. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти вакиллик органлари фанининг манбалари санаб беринг?
4. Давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари фанининг махсус услублари нималардан иборат?

1- МАСАЛА.Фаннинг тушунчаси ва предмети. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фани вакиллик органларини вужудга келиши,

ривожланишини ва вакиллик органлари фаолиятида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни ўрганади.

Давлат ҳокимияти вакиллик фанининг мазмуни қуйидагиларни ўзида ифодалайди:

1. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари тизими - уларни ташкил этиш принциплари, Кенгашларининг турлари, уларнинг ўзаро ва бошқа давлат органлари билан ҳамда жамоат бирлашмалари билан муносабати.

2. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари функциялари, яъни улар фаолиятининг асосий йўналишлари, уларнинг давлат, хўжалик ва ижтимоий - маданий қурилишга раҳбарлиги.

3. Халқ депутатлари Кенгашларининг ички ташкилий тузилиши, ижроия органларининг тузилиши ва ички ташкилий қисмларининг ўзаро муносабати.

4. Халқ депутатлари Кенгашларининг фаолиятини уюштириш, яъни улар фаолиятининг ташкилий услуб ва шакллари.

2-МАСАЛА. Фаннинг манбалари ва бошқа фанлар билан ўзаро муносабати. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти вакиллик органлари фанининг манбалари таснифи қуйидагилардан иборат:

1. “Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” фанининг бош манбаи бўлиб унинг Конституцияси ҳисобланади.

2. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси.

3. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини ўзида акс эттирган қонунлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати тўғрисидаги конституциявий қонунлар).

4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ваколатлари доирасида умумий қоидаларни ўз ичига олган, ўша ҳудудда кучга эга бўлган ҳужжатлари.

Нихоят, Ўзбекистон ҳуқуқшунос олимларининг илмий асарлари ҳам давлат ҳокимияти вакиллик органлари фанининг манбаларидан ҳисобланади. Фан муаммоларига бағишланган дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа илмий асарлар ҳам шулар жумласига киради.

“Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” фани давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат ҳуқуқи (конституциявий ҳуқуқ), маъмурий ҳуқуқ каби ҳуқуқий фанлар, иқтисодий ва ижтимоий фанлар, руҳшунослик фанлари билан боғланган.

3-МАСАЛА. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари тўғрисидаги қонунларнинг моҳияти. Вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этишдаги Ўзбекистон демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва икки палатали Парламент ташкил этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг II чақириқ Олий Мажлис VIII сессиясида билдирган фикрлари ва 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонунда кўрсатилган янги қоидалар ҳам фаннинг манбалари сифатида ўз ифодасини топган.

4-МАСАЛА. Фаннинг тизими. “Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” фанининг тизими шундай тузилган: курснинг вазифалари, бошқа юридик фанлар каторида тутган ўрни, шу фан ўрганадиган институтларнинг мазмуни ҳақидаги асосий саволлар ташкил этади ва улар қуйидагилардир:

1. Илмий фан сифатида «давлат ҳокимиятининг вакиллик ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этиш» фанининг назарий масалалари.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий вакиллик давлат ҳокимияти органининг ташкилий фаолияти.

3. Ҳокимлар бошчилик қиладиган маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларининг ички ташкилий ва оммавий-ташкилий фаолияти.

4. Халқ депутатлари Кенгашлари ва жамоат уюшмаларининг биргаликдаги фаолияти шакллари.

5. Халқ депутатлари Кенгашларига ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнидаги ички ташкилий ва оммавий - ташкилий фаолияти.

5-МАСАЛА. Фанни ўрганиш услублари (тадрижий, тизимли ёндашиш, социологик тадқиқот олиб бориш, таққослаш, тарихий, мантикий қиёслаш ва таҳлил қилиш). Бу фанда ижтимоий муносабатларни ўрганишнинг қатор махсус услублари мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик шароитида республикадаги иқтисодиёт, социал-сиёсий ва мафкуравий шароитларни ҳисобга олган ҳолда халқ депутатлари Кенгашлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хусусиятларини таҳлил қилиш ана шу услубларнинг муҳим талабларидан биридир. Бу услублар қуйидагилардан иборат:

1. “Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” фанида тадрижий ёндашиш услуби кенг қўлланилади. Бу услубда, биринчидан, вакиллик органларини ўзаро алоқада бўлувчи махсус ижтимоий тизим сифатида ўрганади. Халқ депутатлари Кенгашларининг функциялари барча вакиллик органлари фаолияти учун ягона бўлган ташкилий шакллари системали ёндашиш ёрдамида ўрганилиши лозим. Иккинчидан, ҳар бир алоҳида олинган халқ депутатлари Кенгашининг ички тузилиши системали ёндашиш ёрдамида ўрганилади.

2. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши шароитида республикада ташкил топган халқ депутатлари Кенгашларига тарихий ёндашиш услуби муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу республикада халқ депутатлари Кенгашларининг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнини кўрсатиб беради.

3. Халқ депутатлари Кенгашлари тўғрисидаги билим учун асосий манбалардан бири ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бўлганлиги сабабли бу фанда меъёрий-мантикий, услубий ёндашиш катта аҳамият касб этади. Бу ҳуқуқий меъёрларни халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятига таъсир натижаларини белгилаш ҳамда халқ депутатлари Кенгашлари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш учун зарур услуб.

4. Муайян социологик тадқиқотлар услуби ёрдамида халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти тўғрисидаги ҳақиқий, тўғри маълумотлар тўплаш имконияти

яратилади. Бу маълумотларни олиш учун саволнома, сўровнома (анкета) тарзида жавоб олинади, ҳар хил статистик маълумотларни электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида йиғилади ва қайта ишланилади.

5. “Давлат ҳокимияти вакиллик органлари” фанида таққослаш услубидан кенг фойдаланилади. Биринчидан, Ўзбекистонда фаолият кўрсатиб турган халқ депутатлари Кенгашлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бошқа вакиллик ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан таққосланса, иккинчидан, Ўзбекистон Республикасидаги олий ва маҳаллий Кенгашлар фаолиятини ташкил этишдаги фарқлар ва бир-бирига ўхшашликлар таққосланади.

6. Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд вакиллик органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишда, иш фаолиятининг янги шаклларини вужудга келтириш ва ривожлантиришда моделлаштириш услуби муҳим ўрин тутди. Янги орган ёки янги орган қисми учун, Кенгашлар ва ҳокимликлар фаолиятига тааллуқли ҳуқуқий ҳужжатлар моделлари яратилади.

7. Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд халқ депутатлари Кенгашлари тизимида уларнинг ҳуқуқий ҳолатида бирма-бир ўзгартиришлар қилиш керакми ёки йўқлигини, улар фаолиятига бошқарувни ва бошқарув меҳнати унсурларини татбиқ қилиш керакми ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида эксперимент ўтказилади.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1 – Савол

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фанининг предмети нимани ўргатади?

1. Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг тизими ва бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатлари шаклини.
2. Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фаолиятини ташкил этиш асосларини.
3. Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қонунчилик ва назорат функцияларини.
4. 1, 2, 3 – жавоблар тўғри..
5. Хорижий давлатлар вакиллик органларининг тарихий вужудга келиш жараёнлари асосида Ўзбекистон Республикасининг вакиллик органлари фаолиятини ташкил этилишини.

2 – Савол.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фанининг тизими нимани ўргатади?

1. Фаннинг предметини ўрганиш услубларини.
2. Фаннинг ўрганиш мавзуларини..
3. Фаннинг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқасини.
4. Фаннинг такомиллашув асосларини.
5. Ҳамма жавоблар тўғри.

3 – Савол.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фанининг ўрганиш услублари деганда нимани тушунасиз?

1. Фаннинг тарихий вужудга келиш омилларини.
2. Фаннинг тизими ва манбааларини.
3. Фаннинг олий ўқув юртларида махсус дастур асосида ўқитилишини.
4. Фанда ўрганиладиган вакиллик органлари фаолиятининг тарихий, замонавий ривожланиш талабларини..
5. Ҳамма жавоблар тўғри.

4 – Савол.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фанининг манбаалари нимани ўргатади?

1. Фаннинг ўрганиш услубларини.
2. Фаннинг предметини..
3. Фаннинг ўрганиш тизимини.
4. 1, 3 – жавоблар тўғри.
5. Фаннинг шаклланиши ва тарихий ривожланиш босқичларини.

5 – Савол.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фанининг бошқа ижтимоий фанлар билан ўзаро муносабатларини аниқланг?

1. Фанда, давлат бошқарувида қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботнинг ўрнатилишида жиноят қонунчилигини вужудга келиши ўрганилади. Бу эса жиноят ва жиноят процессуал ҳуқуқи фанларининг предметини яратилишига асос солади.
2. Фанда, давлатнинг маъмурий бошқаруви масалаларига тушунча берилади. Бу эса маъмурий ҳуқуқ фанининг предметига асос солади.
3. Фанда, давлатнинг иқтисодий ва халқ хўжалигига раҳбарлиги масалаларига тавсиф берилади. Бу эса иқтисод фанининг предметига асос солади.
4. 2, 3 – жавоблар тўғри..
5. Ҳамма жавоблар тўғри.

СХЕМА



2-мавзу. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти вакиллик органлари

Режа

1. Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ҳуқуқий асослари.
2. Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг турлари ва тизими.
3. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари тизимида ваколатларнинг тақсимланиши.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати.
5. Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари, туман халқ депутатлари Кенгашлари ва уларнинг ўзаро муносабатлари.
6. Давлат органлари тизимида давлат ҳокимияти вакиллик органларининг туғган ўрни.

Фойдаланадиган адабиётлар руйхати *Раҳбарий адабиётлар*

1. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11-Т.: “ Ўзбекистон”, 2003.-320б
- Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга,
2. ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12-Т.: “ Ўзбекистон”, 2004.-400б
- Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди». Т., “Ўзбекистон” НМИУ. 2005.-64б.
- Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13-Т.: « Ўзбекистон», 2005.-448б
- 4.. Каримов И.А. “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият» Т.: «Ўзбекистон», 2005. – 48 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон» 2003 .- 40б.
- “Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги қонун // Ўзбекистон республикаси қонунлар тўплами, 2005 й, №8-9, 64 бет.
- “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 02.12.2004 й. 704-II Қонуни билан тасдиқланган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2004 й.
- “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 02.12.2004 й. 706-II Қонуни билан тасдиқланган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2004 й.
5. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги

- Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 518-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 132-модда
6. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 518-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 132-модда (Ҳужжатнинг олдинги таҳририга қаранг)
7. “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 520-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 134-модда
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 522-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 136-модда
9. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 523-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 137-модда
10. “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 04.04.2002 й. 350-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 4-5-сон, 60-модда
11. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 432-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 12-сон, 213-модда // Ўзбекистон Республикаси 25.04.2003 й. 482-II-сонли Қонун билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 5-сон, 67-модда
12. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 434-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 12-сон, 215-модда // Ўзбекистон Республикаси 25.04.2003 й. 482-II-сонли Қонун билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 5-сон, 67-модда
13. “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 30.08.2001 й. 265-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 9-10-сон, 176-модда // Ўзбекистон Республикаси 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонун билан ўзгартиришлар киритилган
14. Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 02.09.1993 й. 913-XII-сон Қонуни) / Ўзбекистон Республикаси Олий

- Кенгаш Ахборотномаси 1993 й. 9-сон, 320-модда // Ўзбекистон Республикаси 30.08.1997 й. 485-I-сон Қонуни, 25.12.1998 й. 729-I-сон Қонуни, 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997 й. 9-сон, 241-модда, 1999 й. 1-сон, 20-модда
- 15 “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 14.04.1999 й. 758-I-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1999 й. 5-сон, 110-модда

Асосий адабиётлар

- 1.Тўлаганов А. Т. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари. Дарслик. Т. : Адолат. 2001 йил .
- 2.Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳукуки . Дарслик. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 480 б.
- 3.Одилқориев Ҳ.Т, Тулътйев И.Т, Мухамедов Ў.Х. Конституциявий ҳуқуқ. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005 й. 752 б.
- 4.Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Том 3. Отв. ред. Б.А.Страшун. -М.: Бек. 1997. - 764 с.
- 5.Парламенты мира: Сб. -М.: Интерпракс. 1991. - 624 с.
- 6.Конституционное право зарубежных стран. /В.Е. Чиркин• Москва: Изд-во "Юристь", 2002. - 622 с.
- 7.Давлат ҳокимияти вакиллик органлари. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. Т. : Т.Д.Ю.И. 2006 -456-б .

Қўшимча адабиётлар

1. Халилов Э.Х. Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида Олий Мажлис фаолиятининг асосий йўналишлари // Ҳаёт ва қонун. 1998. №5. 2-11 б.
2. Халилов Э.Х. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши. Рисола. —Т.: Ўзбекистон, 1999. — 96 б.
3. Аҳмедов Д.Қ. Особенности формирования двухпалатного парламента в Республике Узбекистан и международный опыт Международные стандарты проведения демократических выборов и избирательное законодательство Узбекистана. // Материалы Международного круглого стола. -2004.-Т., ТДЮИ. – С. 96-99.
4. Аббосхўжаев О. Ўзбекистонда парламент ислохотлари. // Ж. Жамият ва бошқарув. – 2004. -1-сон. – Б. 31.
5. Алимов Х.А. К вопросу о статусе Олий Мажлиса Республики Узбекистан. // Ж. Ҳуқуқ. - 2001. - № 2. – С. 28.
6. Зулфиқоров Ш.Х. Қонунчилик палатаси: янги кўмита зарурати. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. //Ж. Ҳаёт ва қонун. - 2005. -3-сон.- Б. 59-60.

7. Зулфиқоров.Ш.Х. Қонунчилик палатаси иш фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари. // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. -2005.- 4-сон. - Б. 19-20.
8. Ибодуллаев Ж. Ўзбекистон Республикаси Парламенти: бугуни ва истиқболи. // Халқаро илмий-амалий конференция илмий мақола. 2001. –Т., Самарқанд, 2001.- Б. 8-12.

Назорат саволлари

1. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг принциплари тушунчаси
2. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари функцияларининг турлари.
3. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари функцияларининг амалга ошириш шакллари

1-МАСАЛА. Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ҳуқуқий асослари. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолияти бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси конституциявий Қонуни, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонуни, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Қонуни, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа ҳужжатлар

2-МАСАЛА. Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг турлари ва тизими.

Ўзбекистон Республикасида вакиллик органлари тизимида куйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси - Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан - Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат. 2005 йил январ ойидан бошлаб мамлакатимизда икки палатали парламент фаолият олиб бормоқда.

- *Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси* – Қорақалпоғистон Республикасидаги бутун давлат аппаратининг ягона ва доимий асоси бўлиб, у давлатни бошқа органларини сайлайди ёки тузишда иштирок этади.
- *Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари* - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99–моддасига кўра, вилоятлар, туманлар ва

шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар. Маҳаллий вакиллик органлари ўз фаолиятини жамоавий асосда амалга оширади.

3-МАСАЛА. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари тизимида ваколатларнинг тақсимланиши. Ҳокимиятлар тақсимланиши назариясида қонун чиқарувчи ҳокимият алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида айтилганидек, давлат ҳокимиятининг тизими-қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади. Унга кўра, давлат функциялари қонун чиқарувчи орган Олий Мажлис, давлат ва ижроия ҳокимияти раҳбари Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва суд ҳокимияти ўртасида тақсимланади. Ўзбекистон Олий Мажлиси эса давлатнинг бошқа идоралари билан ҳамкорлик қилиш билан бирга, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

4-МАСАЛА. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан - Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати - беш йил.

5-МАСАЛА. Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари, туман халқ депутатлари Кенгашлари ва уларнинг ўзаро муносабатлари. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI боби маҳаллий давлат ҳокимияти асосларига бағишланган бўлиб, мазкур бобда Ўзбекистон Республикасида маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг тутган ўрни ва роли кўрсатилган, бу органларнинг давлат ҳокимиятини амалга ошириш бўйича ваколатлари ва бошқа давлат органлари билан бўлган ўзаро муносабатларининг асослари белгилаб берилган. Мазкур бобда ҳокимлар бошчилик қиладиган маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларини ташкил этиш (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99 ва 102-моддалари) берилган. Конституциянинг 100-моддасида маҳаллий ҳокимият органларининг, 105-моддасида ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари берилган. Конституциянинг 103, 104-моддаларида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларини тайинлаш ва уларнинг ваколатни амалга ошириш тартиби белгиланган. Конституциянинг 101-моддасида халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддатлари берилган.

6-МАСАЛА. Давлат органлари тизимида давлат ҳокимияти вакиллик органларининг тутган ўрни. Умуман вакиллик органлари тизимида биринчи ўринда турувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ жуда катта ваколатларга эга. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 5-бандидаги қоидага мувофиқ Олий Мажлис палаталари Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизимини ва ваколатларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси вакиллик органлари тизимида қонун чиқарувчи органлар ҳисобланишади. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари эса қонун чиқариш ҳуқуқига эга эмаслар. Бу органлар Ўзбекистондаги ягона давлат ҳокимияти вакиллик органлари тизимини ташкил этадилар. Демак, вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари ваколатларини Олий Мажлис палаталари белгилайди.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти вакиллик органларининг тизимини (тўлиқ жавобни) аниқланг?

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуйи-Қонунчилик палатаси ва Сенати.
2. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси маҳаллий халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва маҳаллий халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари..

2 – Савол.

Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий вакиллик органлари тизимининг тўлиқ жавобини белгиланг?

1. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари..
2. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари.
3. Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси маҳаллий халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари.
4. Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси маҳаллий халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари.
5. Ҳамма жавоблар тўғри.

3 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг фаолиятини ташкил этилиши қайси қонун ва қонун ости ҳужжатлари асосида амалга оширилади?

1. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни ва Сенат Қарори асосида.
2. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни ва Марказий сайлов комиссияси Қарори билан тасдиқланадиган Низом асосида..
3. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарори асосида.
4. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни ва Президентнинг Қарори асосида.
5. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни ва Қонунчилик палатасининг Қарори асосида.

4 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини ташкил этилиши қайси қонун ва қонун ости ҳужжатлари асосида амалга оширилади?

1. “Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуни ва Сенат Қарори асосида.
2. “Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуни ва Марказий сайлов комиссияси Қарори билан тасдиқланадиган Низом асосида.
3. “Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуни ва вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари Раисларининг Қарори асосида.
4. “Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуни ва Марказий сайлов комиссияси Қарори асосида..
5. “Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуни ва вилоят, туман, шаҳар ҳокимларининг Қарори асосида.

5 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қуйи-Қонунчилик палатасининг фаолиятини ташкил этилиши қайси қонун ва қонун ости ҳужжатлари асосида амалга оширилади?

1. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни ва Сенат Қарори асосида.
2. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни ва Марказий сайлов комиссияси Қарори билан тасдиқланадиган Низом асосида..
3. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори асосида.

4. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида.

5. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қарори асосида.

6 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг фаолиятини ташкил этишида нечта сайлов округлари тузилади?

1. Юзта сайлов округлари тузилади.

2. Бир юз йигирмата сайлов округлари тузилади.

3. Сайлов округлари вилоят мақомига тенглаштирилган ҳудудларида тузилади.

4. Сайлов округлари вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида тузилади.

5. Тўғри жавоб йўқ..

7 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қуйи-Қонунчилик палатасининг фаолиятини ташкил этилишида нечта сайлов округлари тузилади?

1. Юзта сайлов округлари тузилади.

2. Бир юз йигирмата сайлов округлари тузилади..

3. Сайлов округлари вилоят мақомига тенглаштирилган ҳудудларида тузилади.

4. Сайлов округлари вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида тузилади.

5. 3, 4 – жавоблар тўғри.

8 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг фаолиятини ташкил этишида нечта сайлов участкалари тузилади?

1. Юзта сайлов участкалари тузилади.

2. Бир юз йигирмата сайлов участкалари тузилади.

3. Сайлов участкалари вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида тузилади.

4. Сайлов участкалари туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида тузилади.

5. Тўғри жавоб йўқ..

9 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қуйи-Қонунчилик палатасининг фаолиятини ташкил этилишида нечта сайлов участкалари тузилади?

1. Сайлов участкалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида тузилади.

2. Сайлов участкалари юзтадан, юз элликтагача аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудларда тузилади.

3. Сайлов участкалари йигирматадан, уч мингтагача аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудларда тузилади..

4. Сайлов участкалари шаҳарча, қишлоқ, маҳалла ва овулларда тузилади.


5. 1, 4 – жавоблар тўғри.

10 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш тартибини аниқланг?

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, аъзолари (сенаторлар) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади..
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, аъзолари (сенаторлар) вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – етти кишидан сайланади.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, аъзолари (сенаторлар) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, аъзолари (сенаторлар) вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, аъзолари (сенаторлар) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – етти кишидан сайланади.

СХЕМА



3-мавзу. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг асосий принциплари ва функциялари.

Режа

1. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг принциплари тушунчаси ва аҳамияти.

2. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари функцияларининг тушунчаси. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари функцияларининг турлари.

3. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари функцияларининг амалга ошириш шакллари.

Асосий адабиётлар

1. Тўлаганов А. Т. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари. Дарслик. Т. : Адолат. 2001 йил .
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи . Дарслик. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 480 б.
3. Одилқориев Ҳ.Т, Тулътиев И.Т, Муҳамедов Ў.Х. Конституциявий ҳуқуқ. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005 й. 752 б.
4. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Том 3. Отв. ред. Б.А.Страшун. -М.: Бек. 1997. - 764 с.
5. Парламенты мира: Сб. -М.: Интерпракс. 1991. - 624 с.
6. Конституционное право зарубежных стран. /В.Е. Чиркин• Москва: Изд-во "Юристъ", 2002. - 622 с.
7. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. Т. : Т.Д.Ю.И. 2006 Б.456.

Қўшимча адабиётлар

1. Халилов Э.Х. Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида Олий Мажлис фаолиятининг асосий йўналишлари // Ҳаёт ва қонун. 1998. №5. 2-11 б.
2. Халилов Э.Х. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши. Рисола. —Т.: Ўзбекистон, 1999. — 96 б.
3. Аҳмедов Д.Қ. Особенности формирования двухпалатного парламента в Республике Узбекистан и международный опыт Международные стандарты проведения демократических выборов и избирательное законодательство Узбекистана. // Материалы Международного круглого стола. -2004.-Т., ТДЮИ. – С. 96-99.
4. Аббосхўжаев О. Ўзбекистонда парламент ислохотлари. // Ж. Жамият ва бошқарув. – 2004. -1-сон. – Б. 31.
5. Алимов Х.А. К вопросу о статусе Олий Мажлиса Республики Узбекистан. // Ж. Ҳуқуқ. - 2001. - № 2. – С. 28.

6. Зулфикоров Ш.Х. Қонунчилик палатаси: янги кўмита зарурати. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. //Ж. Ҳаёт ва қонун. - 2005. - 3-сон.- Б. 59-60.
7. Зулфикоров.Ш.Х. Қонунчилик палатаси иш фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари. // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. -2005.- 4-сон. - Б. 19-20.
8. Ибодуллаев Ж. Ўзбекистон Республикаси Парламенти: бугуни ва истикболи. // Халқаро илмий-амалий конференция илмий мақола. 2001. – Т., Самарқанд, 2001.- Б. 8-12.
9. Саидов. А. Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. Рисола. - Т.: ТДЮИ, 2005. – 44 б.
10. Саидов А.Х. // Современный парламент: зарубежный опытг. -Правда Востока.- 11 января.- 2001.
11. Сулейманов Н. // Миром движет гуманизм. - Правда Востока.- 4 июля. - 2002.
12. Саидов А.Х.// На основе равноправия и взаимной выгоды. - Народное слово. - 6 декабря. -2000.
13. Тультеев.И.Т. Одилқориев Х.Т. Икки палатали парламент ИИВ Академияси. (Монография). –Т.: Шарқ, 2004.- 158 б.
14. Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. (Монография). — Т.:Ўзбекистон, 2001. - 45 б.
15. Халилов Э.Х. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши (Олий Мажлис шаклланишининг ҳуқуқий асослари). Рисола. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 96 б.
16. Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикаси парламенти: биринчи қақирик Олий Мажлисининг фаолияти (ўзбек ва рус тилларида). Рисола. – Т.: Ўзбекистон, 1999. - 80 б.
17. Хусанова М. Икки палатали парламент:депутатлар бирлашмалари. // Ж.Ҳаёт ва қонун. – 2005. -1- сон - 25-26-б.
18. Хусанов О. Ваколат ва масъулият, у парламент фаолиятининг асосидир. // Ж. Ҳаёт ва қонун. – 2005. - 1-сон. -.13-15-б.
19. Хусанов О. Ўзбекистонда икки палатали парламентга ўтиш зарурати. // Ж. Жамият ва бошқарув. - 2004. -3-сон. - 11-13-б.
20. Эшматова Ф. Икки палатали парламент тизими, унинг принциплари ва моҳияти. // Ж. Ҳаёт ва қонун. -2004. – 4-сон. - 16-17-б.
21. Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. (тажрибалар, қиёсий таҳлил).Рисола. – Т.: Шарқ, 1997. – 112 б.
22. Абдураззақов С.Қ. Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари тизимининг ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий ҳуқуқий асоси. Рисола. - Т.: Адолат, 1995. - 138 б.
23. Азизхўжаев А.А. Мустақилликка: курашлар, истироблар, қувончлар. Рисола. – Т.: Шарқ, 2001. -140 б.
24. Азизхўжаев А.А. ва бошқ. Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат). Рисола. –Т.: Академия, 2001. – 160 б.
25. Азизхўжаев А.А. Ҳокимият тақсимланиши таомилининг амалий

- ифодаси. // Ж. Ҳаёт ва қонун. -1994. -2-сон. -Б. 3-7.
26. Беков И. Ҳоким. // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. - 2003. -11-сон. -Б. 235.
27. Бойдадаев М. Давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари вазифаларининг ривожланиш шакл ва услублари. Рисола. – Т.: ТДЮИ, 2003. - 64 б.
28. Бойдадаев М. Фуқаролик жамияти ва давлат бошқарувининг долзарб муаммолари. Рисола. – Т.: ТДЮИ, 2003.- 52 б.
29. Бойдадаев М. Ўзбекистонда давлат бошқарув аппаратининг шаклланиш ва таракқиёт йўналишлари. Рисола. –Т.: ТДЮИ, 2003. - 60 б.
30. Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар. Рисола. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 190 б.
31. Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. Рисола. – Т.: Шарқ, 1998. – 144 б.
32. Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар. Рисола. -Т.: Шарқ, 1994. – 192 б.
33. Зокиров С. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти сари. Рисола. – Т.: Меҳнат, 1999. – 115 б.
34. Комилов Н. Ўзбекистонда янги давлатчилик маърифати. //Ж. Жамият ва бошқарув. -1997. -3-сон. - Б. 11.
35. Комилов Н. Маҳаллий советларнинг сессиялар тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар.-Олий ва маҳаллий Кенгашларнинг ҳуқуқий асослари. Рисола. -Т.: Фан, 1992. - 75 б.
36. Мирхамидов М. Демократизация органов государственного управления Республики Узбекистан: проблем, перспективы. Брошюра. - Т.: Университет, 1992. - 188 с.
37. Олломов. Я., Беков И. Конституция ва маҳаллий давлат ҳокимияти. Рисола.-Т.: ТДЮИ, 2005.- 64 б.
38. Рўзметов Х. Ҳокимликлар тузилма ва штатлари такомиллаштирилишининг хусусиятлари. //Ж. Давлат ва ҳуқуқ. - 2004. - 4-сон. –Б. 31-32.
39. Рузметов Х. Ҳокимияты (проблемы теории и практики организации и деятельности местных органов исполнительной власти в Республике Узбекистан). (Монография). -Т.: ТГЮИ, 2004. -244 с.
40. Сиддиқов Р.Р Представительные органы и непосредственная демократия в системе местного самоуправления. Брошюра. -Т.: Университет, 1993. – 123 с.
41. Султонов С. Ҳақиқий халқ ҳокимияти. Рисола. - Т.: Фан, 1999.- 67 б.
42. Чориёров У. Олий ва маҳаллий Кенгашларнинг ижроия идоралари тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар.Олий ва маҳаллий Кенгашларнинг ҳуқуқий асослари (илмий тўплам). Рисола. -Т.: Фан, 1992. -117 б.
43. Хусанов О.Т. Конституция Республики Узбекистан и основы государственной власти на местах: правовые, организационные вопросы и проблемы. Брошюра. - Т.:Ўзбекистон, 1995.-119 с.

44. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроя ҳокимияти органлари. Рисола. -Т.: «Университет», 1994. —132 б.
45. Хусанов О.Т. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. (ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар). Рисола. –Т.: Шарқ, 1996. – 148 б.
- Хусанов О.Т Қонунийлик ҳуқуқий давлатнинг негизи. Ҳуқуқий демократик ислохотлар. // Ж.Жамият ва бошқарув. -1997. - 4-сон. - Б. 7-8

Назорат саволлари

1. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг принциплари тушунчаси
2. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари функцияларининг турлари.
3. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари функцияларининг амалга ошириш шакллари

1-МАСАЛА. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг принциплари тушунчаси ва аҳамияти. Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фаолият принциплари деганда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларни ташкил этиш ҳамда фаолиятининг ҳал қилувчи шакл ва услубларини белгилаб берувчи асосий ғоялар, қарашлар тушунилади. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолияти принциплари мазмунига кўра аҳамиятига кўра асосий (умумий) ва хусусий (махсус) турларга ажралади Давлат ҳокимияти вакиллик органларини ташкил этиш ва фаолиятининг демократик принципларини ҳар хил асосларга кўра туркумлаш мумкин. Халқ депутатлари Кенгашларини ташкил этиш ва фаолиятининг энг умумий аҳамиятга эга бўлган принциплари, давлат ҳокимияти вакиллик органлари тўғрисидаги назария ўзагини ташкил этади. Улар: Кенгашлар фаолиятига аҳолини доимий ва тобора кўпроқ доираларда жалб этиш, халқ депутатлари Кенгашларини ташкил этиш ва фаолиятининг демократлаштириш, Кенгашлар фаолиятида ошқоралик, коллегиялик, қонунчилик, Кенгашлар ва ҳокимнинг ижро этувчи аппарати фаолиятида бошқариш, меҳнатни илмий ташкил этиш (НОУТ), миллатларнинг тенглиги принципи.

2-МАСАЛА. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари функцияларининг тушунчаси. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари функцияларининг турлари. Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг функциялари дейилганда уларнинг ижтимоий-тарихий таъминланишининг асосий томонлари, Ўзбекистон Республикасида халққа тегишли бўлган давлат ҳокимиятини амалга оширишга қаратилган фаолиятнинг асосий томонлари тушунилади. Функциялар йиғиндиси давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фаолиятининг мазмуни қандай эканлигини белгилаб беради.

Барча бугиндаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари учун ягона бўлган асосий функциялар қуйидагилардан иборат:

1. Тегишли ҳудуд аҳолисини бирлаштириш, барча фуқароларнинг манфаатларини ифодалаш, уларни давлат, жамоат ишларини бошқаришга кенг жалб этиш.

2. Тегишли ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг комплекслигини таъминлаш.

3. Давлат ҳўжалик ва ижтимоий-маданий қурилиш бўйича республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган бошқа масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш.

4. Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, маҳаллий ҳокимият органлари қарорлари ва бошқа давлат ҳокимияти органлари ҳужжатларини ҳаётга татбиқ қилиш.

5. Тегишли ҳудудда қуйи турувчи халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятига раҳбарлик қилиш, жамоатчилик фаолиятини бирлаштириш ва йўналтириш.

6. Қонунчиликни, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш.

3-МАСАЛА. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари функцияларининг амалга ошириш шакллари. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари ўз функцияларини амалга оширишда қуйидаги воситалардан фойдаланадилар:

1. **Тартибга солиш.** Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ваколатига киради. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, қонунларининг 8-моддаларида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларини ҳамда қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш фаолияти билан шуғулланиши мустаҳкамланган.

2. **Фармойиш бериш, йўналтирувчи ва мувофиқлаштирувчи фаолият.** Давлат ҳокимияти вакиллик органлари давлат органлари, ўз ҳудудларида жойлашган ва ўзларига бўйсунган корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятига раҳбарлик қиладилар, ўзларига қарашли ҳудудларда жойлашган, лекин юқори кенгашларга бўйсунадиган корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириб турадилар.

3. **Назорат фаолияти.** Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашлар ўзларига ҳисобот бериб турувчи органлар фаолиятини назорат қиладилар. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиш ҳуқуқи берилган масалаларни, ташкилий масалалар ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ назорат этишга доир масалаларни ҳал этади.

4. **Ташкилотчилик ва тарбиялаш фаолияти.**

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- 1. Ҳокимиятнинг бўлиниши принципи деганда нимани тушунасиз?**
 - А. Давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини тақсимланиши.
 - Б. Президент, Олий Мажлис ва ҳокимлар орасида давлат ҳокимиятининг тақсимланиши.
 - В. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятига бўлиниши.
 - Г. Давлат ҳокимиятининг тақсимланиш принципи.
 - Д. В) ва Г) жавоблар тўғри.

- 2. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида аҳолини кенг жалб этиш қайси фаолият принципи тизимига киради?**
 - А. Умумий принципларга.
 - Б. Махсус принципларга.
 - В. Қонунийлик принципига.
 - Г. Коллегиаллик принципига.
 - Д. А) ва Г) жавоблар тўғри.

- 3. Вакиллик органлари фаолиятида коллегиаллик принципи нимани англатади?**
 - А. Қарорлар қабул қилишда субъектив фикрларга асосланиш.
 - Б. Қарорлар қабул қилишда Кенгаш Раисининг фикрига асосланиш.
 - В. Қарорлар қабул қилишда жамоа фикрига асосланиш.
 - Г. Қарорлар қабул қилишда комиссия аъзолари фикрига асосланиш.
 - Д. Қарорлар қабул қилишда сайловчилар фикрига асосланиш.

- 4. Вакиллик органлари фаолиятида қонунийлик принципи нимани англатади?**
 - А. Конституция ва Қонунларга, юқори турувчи вакиллик органлари қарорларига мувофиқ тарзда фаолият юритишни.
 - Б. Давлат ҳокимиятининг юқори органлари қабул қилган ҳуқуқий актлар асосида фаолият юритишни.
 - В. Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида фаолият юритишни.
 - Г. Олий Мажлис қабул қилган меъёрий ҳужжатлар асосида фаолият юритишни.
 - Д. Ҳаммаси тўғри.

- 5. Вакиллик органлари функцияси деганда нимани тушунасиз?**
 - А. Вакиллик органларининг халққа тегишли ҳокимиятни амалга ошириши бўйича фаолиятининг асосий томонлари тушунилади.
 - Б. Вакиллик органлари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг йиғиндиси.

- В. Вакиллик органларининг давлат ва жамият олдидаги аҳамиятлилик даражаси тушунилади.
- Г. Вакиллик органларининг ўз йиғилишларида масалаларни муҳокама қилиши тушунилади.
- Д. Б) ва В) жавоблар тўғри.

6. Ваколат деганда нимани тушунаси?

- А. Давлат органларининг ҳуқуқ ва бурчлари мажмуини.
- Б. Давлат органлари фаолиятининг асосий мазмунини.
- В. Давлат органлари фаолиятининг ҳуқуқий намоён бўлишини.
- Г. Давлат органлари фаолиятининг асосий принципларини.
- Д. Давлат органлари фаолиятининг мажбуриятларини

7. Вакиллик органлари функцияси нимани англатади?

- А. Халқ оммасининг давлат ишларини бошқаришда ўз вакиллари орқали иштирок этишини.
- Б. Депутатларнинг ўз сайловчилари олдида вақти-вақти билан ҳисобот бериб туришини.
- В. Вакиллик органлари йиғилишларида мансабдор шахсларнинг вақти-вақти билан ҳисобот бериб туришини.
- Г. Вакиллик органлари сессияларида давлат ва жамият аҳамиятига молик масалаларнинг ҳал этилишини.
- Д. А) ва Г) жавоблар тўғри.

8. Депутатнинг функцияси нима?

- А. Давлат сайлов ҳокимияти эркини аниқлаш, ифодалаш ва уни амалга ошириш жараёнида иштирок этиш.
- Б. Йиғилишларда меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишда фаол иштирок этиш.
- В. Давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ижросини таъминлаш.
- Г. Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини қабул қилишда иштирок этиш.
- Д. В) ва Г) жавоблар тўғри.

9. Давлат ҳокимияти вакиллик ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий ташкилий шакли нималардан иборат?

- А. Ҳоким ва халқ депутатлари кенгашлари қарорларининг муҳокама қилиниши.
- Б. Фуқаролар йиғинларида масалаларни муҳокама қилиш.
- В. Депутатлар ва уларининг сайловчилари учрашувларини ташкил этиш.

Г. Маҳалла оқсоқоллари ва вакиллик органларининг муносабатларининг худудий тартибга солиниши.

Д. А) ва Б) жавоблар тўғри.

10. Халқ депутат лари Кенгашлари доимий комиссиялари ҳуқуқий ҳолатининг асослари қайси ҳужжатда ўз ифодасини топган?

А. Конституция ва қонунларда.

Б. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қонуности меъёрий ҳужжатларда.

В. Президент фармон ва фармойишларида.

Г. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси қарорларида.

Д. Маҳаллий халқ депутатлари кенгашларининг раислари қарорларида.

11. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг асосий ташкилий шакллари нималардан иборат?

А. Вакиллик органларининг сессиялари.

Б. Қўмита ва комиссияларнинг мажлислари.

В. Олий Мажлис кенгаши йиғилишлари.

Г. Вакиллик органлари фаолиятини ривожлантириш.

Д. А) ва Г) жавоблар тўғри.

12. Вакиллик органлари фаолиятининг ташкилий услубларини аниқланг?

А. Ўз ваколатларини амалга оширишда қўллайдиган воситалардир.

9. “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 04.04.2002 й. 350-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 4-5-сон, 60-модда
10. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 432-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 12-сон, 213-модда // Ўзбекистон Республикаси 25.04.2003 й. 482-II-сонли Қонун билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 5-сон, 67-модда
11. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 434-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 12-сон, 215-модда // Ўзбекистон Республикаси 25.04.2003 й. 482-II-сонли Қонун билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 5-сон, 67-модда
12. “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 30.08.2001 й. 265-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 9-10-сон, 176-модда // Ўзбекистон Республикаси 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонун билан ўзгартиришлар киритилган
13. Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 02.09.1993 й. 913-XII-сон Қонуни) / Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси 1993 й. 9-сон, 320-модда // Ўзбекистон Республикаси 30.08.1997 й. 485-I-сон Қонуни, 25.12.1998 й. 729-I-сон Қонуни, 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997 й. 9-сон, 241-модда, 1999 й. 1-сон, 20-модда
14. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 14.04.1999 й. 758-I-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис
- 15.

Асосий адабиётлар

1. Тўлаганов А. Т. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари. Дарслик. Т. : Адолат. 2001 йил .
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи . Дарслик. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 480 б.
3. Одилқориев Ҳ.Т, Тультиева И.Т, Муҳамедов Ў.Х. Конституциявий ҳуқуқ. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005 й. 752 б.
4. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Том 3. Отв. ред. Б.А.Страшун. -М.: Бек. 1997. - 764 с.
5. Парламенты мира: Сб. -М.: Интерпракс. 1991. - 624 с.
6. Конституционное право зарубежных стран. /В.Е. Чиркин Москва: Изд-во "Юрист", 2002. - 622 с.
7. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. Т. : Т.Д.Ю.И. 2006 -456-б .

Қўшимча адабиётлар

1. Халилов Э.Х. Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида Олий Мажлис фаолиятининг асосий йўналишлари // Ҳаёт ва қонун. 1998. №5. 2-11 б.
2. Беков. И, Аббосхўжаев. Ш. Сайлов ва сиёсий партиялар.Рисола.-Т.: ТДЮИ, 2004.—35 б.
3. Беков. И., Аббосхўжаев.Ш. // Сиёсий партияларнинг маҳаллий вакиллик органларини шаклланишида иштироки. - Ишонч.- 28 сентябрь. -2004.
4. Ибодуллаев Ж. Сайлов системасини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий муаммолари. // Илмий тўплам. -СамДУ. -1996. -18 б.
5. Мустафоев Б., Аҳмедов Д. Избирательное право и избирательный процесс в Узбекистане. Рисола.-Т.: ТГЮИ, 2004.—32 с.
6. Мустафоев.Б. Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги. Рисола.-Т.:ТДЮИ, 2004.— 34 б.
7. Мустафоев.Б. Назаров Қ. Ким депутат бўлиши мумкин? Рисола.-Т.: ТДЮИ, 2004.—48 б.
8. Рустамбоев М.Х. Ответственность за нарушение законодательства о выборах. Брошюра. -Т.:ТГЮИ, 2004.— 36 с.
9. Саидов А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов тизими. Рисола. –Т.: ТДЮИ, 2005. – 44 б.
- 10.Халилов Э.Х. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши. Рисола. —Т.: Ўзбекистон, 1999. — 96 б.
- 11.Хидиров С. Сайлов цензлари. // Ўзбекистон Республикаси Миллий Энциклопедияси. –Ўзбекистон. - 2004. --186-190-б.

12. Хидиров С.М. Роль и место выборов в построении глава государства. // Тез.докл. научно-теоретической конф. 24 ноября 2004.-Т.,ТДЮИ, 2004.- Б.—180.
13. Хидиров С. // Ўзбекистон республикаси Сайлов қонунчилиги. -Ишонч. - 16 июнь. - 2004.
14. Хидиров С., Асадов Ш. //АҚШда сайлов тизими.- Ҳуқуқ. -12 май. -2004.
15. Шарипов.Р., Беков.И. Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолати – демократиянинг муҳим шарты.// Халқаро анжуман маъруза матн. 24 ноябр 2004.-Т.,ТДЮИ, 2004.—Б.-199 .
16. Аҳмедов Д.Қ. Сиёсий партиялар парламентда: қонунчилик ва амалиёт. Икки палатали парламентга сайлов: назария ва амалиёт масалалари. // Илмий-амалий анжуман материаллари. -2004. – Т., ТДЮИ. - 2004.- Б. 36.
17. Аҳмедов Д.Қ. Особенности формирования двухпалатного парламента в Республике Узбекистан и международный опыт Международные стандарты проведения демократических выборов и избирательное законодательство Узбекистана. // Материалы Международного круглого стола. -2004.-Т., ТДЮИ. – С. 96-99.
18. Аҳмедов Д.Қ. // Сайлов тизими тушунчаси ва турлари. -Ишонч».- 19 октябр. -2004.
19. Беков.И. Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги ва сиёсий партиялар. Икки палатали парламентга сайлов: назария ва амалиёт масалалари. // Илмий-амалий конференция материаллари. -2004. –Т., ТДЮИ. - 2004. – Б. 23.
20. Беков.И // Сайловчи ҳуқуқларининг кафолати. -Адолат. - 30 июль. - 2004.
21. Беков И., Аббосхўжаев.Ш. Сайлов ва сиёсий партиялар. Рисола. -Т.: ТДЮИ, 2004.— 35 б.
22. Саидов А.Х. Избирательное право в Республике Узбекистан: вопросы реформы, законодательство и зарубежньх опыт (юридические и политологические заметки). Брошюра. -Т.: Узбекистан, 1993. - 40 с.
23. Ҳалилов Э.Х. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши (Олий Мажлис шаклланишининг ҳуқуқий асослари). Рисола. —Т.: Ўзбекистон, 1999. — 96 б.
24. Хидиров С. // Сайлов олди ташвиқоти. - Инсон ва қонун.- 24 сентябрь.- 2004.
25. Аҳмедов Д.Қ. Чўлиев.А.Б. “Сенат”. Рисола. —Т.: ТДЮИ, 2005. - 46 б.
26. Аҳмедов Д.Қ. // Қонунчилик палатаси (унинг шаклланишида сиёсий партияларнинг ўрни). - Халқ сўзи- 17 сентябр.- 2004.
27. Аҳмедов.Д.Қ., Беков.И. Ўзбекистон Республикасида вакиллик органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни. // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. - 2004.- 3-сон. – Б. 2-4.
28. Аббосхўжаев О. Ўзбекистонда парламент ислохотлари. // Ж. Жамият ва бошқарув. – 2004. -1-сон. – Б. 31.
29. Алимов Х.А. К вопросу о статусе Олий Мажлиса Республики Узбекистан. // Ж. Ҳуқуқ. - 2001. - № 2. – С. 28.

30. Беков И. // Сайловчи ҳуқуқларининг кафолати. - Адолат. - 30 июль. - 2004.
31. Зулфиқоров Ш.Х. Қонунчилик палатаси: янги қўмита зарурати. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. // Ж. Ҳаёт ва қонун. - 2005. - 3-сон. - Б. 59-60.
32. Зулфиқоров Ш.Х. Қонунчилик палатаси иш фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари. // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. - 2005. - 4-сон. - Б. 19-20.
33. Ибодуллаев Ж. Ўзбекистон Республикаси Парламенти: бугуни ва истикболи. // Халқаро илмий-амалий конференция илмий мақола. 2001. - Т., Самарқанд, 2001. - Б. 8-12.
34. Саидов А. Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. Рисола. - Т.: ТДЮИ, 2005. - 44 б.
35. Саидов А.Х. // Современный парламент: зарубежный опыт. - Правда Востока. - 11 января. - 2001.
36. Сулейманов Н. // Миром движет гуманизм. - Правда Востока. - 4 июля. - 2002.
37. Саидов А.Х. // На основе равноправия и взаимной выгоды. - Народное слово. - 6 декабря. - 2000.
38. Тультеев И.Т. Одилқориев Х.Т. Икки палатали парламент ИИВ Академияси. (Монография). - Т.: Шарқ, 2004. - 158 б.
39. Тультеев И.Т. Правовой статус депутата. // Ж. Ҳуқуқ. - 2001. - 3-сон. - С. 24-25.
40. Тожиев М. // Сайлов ҳуқуқининг конституциявий асослари. - Ўзбекистон овози. - 9 ноябрь. - 2004.
41. Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. (Монография). - Т.: Ўзбекистон, 2001. - 45 б.
42. Халилов Э.Х. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши (Олий Мажлис шаклланишининг ҳуқуқий асослари). Рисола. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 96 б.
43. Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикаси парламенти: биринчи чақириқ Олий Мажлисининг фаолияти (ўзбек ва рус тилларида). Рисола. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 80 б.
44. Ҳусанова М. Икки палатали парламент: депутатлар бирлашмалари. // Ж. Ҳаёт ва қонун. - 2005. - 1-сон. - . 25-26-б.
45. Ҳусанов О. Ваколат ва масъулият, у парламент фаолиятининг асосидир. // Ж. Ҳаёт ва қонун. - 2005. - 1-сон. - . 13-15-б.
46. Ҳусанов О. Ўзбекистонда икки палатали парламентга ўтиш зарурати. // Ж. Жамият ва бошқарув. - 2004. - 3-сон. - . 11-13-б.
47. Хидиров С.М. Ташаббускорлик ва масъуллиқ. Сенат фаолиятининг асосидир. // Ж. Ҳуқуқ ва бурч. - 2006. - 1-сон. - . 18-19-б.
48. Хидиров С. Беков И. // Сенат ва маҳаллий кенгашлар: ҳамкорликни такомиллаштириш масалалари. - Инсон ва қонун. - 26 февраль. - 2006.
49. Хидиров С.М. // Мувофиқлаштирувчи орган. - Инсон ва қонун. - 30 май. - 2005.

50. Хидиров С.М. // Сенат ва маҳаллий Кенгашлар. Ҳамкорликни такомиллаштириш масалалари.- Инсон ва қонун. - 28 феврал. – 2006.
51. Чинибоев Ў. Ж. Роль и место законодательства в реализации конституционных прав и свобод граждан. //Тез.докл. Респуб. научно-теорет. конф. 13 декабря 2003. –Т., ТГЮИ, 2003.- С 24-25.
52. Эшматова Ф. Икки палатали парламент тизими, унинг принциплари ва моҳияти. // Ж. Ҳаёт ва қонун. -2004. – 4-сон. - Б.16-17.
53. Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. (тажрибалар, қиёсий таҳлил).Рисола. – Т.: Шарқ, 1997. – 112 б.
54. Абдураззаков С.Қ. Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари тизимининг ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий ҳуқуқий асоси. Рисола. - Т.: Адолат, 1995. - 138 б.
55. Азизхўжаев А.А. Мустақилликка: курашлар, истироблар, қувончлар. Рисола. – Т.: Шарқ, 2001. -140 б.
56. Азизхўжаев А.А. ва бошқ. Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат). Рисола. – Т.: Академия, 2001. – 160 б.
57. Азизхўжаев А.А. Проблемы правоохранительной деятельности местных Советов. Рисола. – Т.: Ўзбекистон, 1990. - 139 б.
58. Аҳмедов Д.Қ. Деятельность высших и местных органов государственной власти Республики Узбекистан: Конституционные реформы и мировой опыт «Верховенство закона в сфере публично-правовых отношений. Смежные юридические профессии». // Международный симпозиум. 10-11 сентября 2005. - Т., 2005. –С. 23-36.
59. Азизхўжаев А.А. Ҳокимият тақсимланиши таомилининг амалий ифодаси. // Ж. Ҳаёт ва қонун. -1994. -2-сон. -Б. 3-7.
60. Беков И. Ҳоким. // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. - 2003. -11-сон. – Б. 235.
61. Бойдадаев М. Давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари вазифаларининг ривожланиш шакл ва услублари. Рисола. – Т.: ТДЮИ, 2003. - 64 б.
62. Бойдадаев М. Фуқаролик жамияти ва давлат бошқарувининг долзарб муаммолари. Рисола. – Т.: ТДЮИ, 2003.- 52 б.
63. Бойдадаев М. Ўзбекистонда давлат бошқарув аппаратининг шаклланиш ва тараққиёт йўналишлари. Рисола. –Т.: ТДЮИ, 2003. - 60 б.
64. Ғаниева Г.Ю «Маҳаллий ҳокимият ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш» «Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва Фуқаролик жамияти куриш масалалари.» Тўплам. 2005 йил. ЎЗМУ. 174-179 бет.
65. Ғаниева Г.Ю «Халқ депутатлари Кенгашларига сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг такомиллашуви масалалари». «Ёш олимларнинг фан техника тараққиётида тутган ўрни». // Конференция тўплами. 2005. –Т., ЎЗМУ, 2005. –Б. 17-21.
66. Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар. Рисола. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 190 б.
67. Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. Рисола. – Т.: Шарқ, 1998. – 144 б.

- 68.Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар. Рисола. -Т.: Шарқ, 1994. – 192 б.
- 69.Зокиров С. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти сари. Рисола. – Т.: Мехнат, 1999. – 115 б.
- 70.Комилов Н. Ўзбекистонда янги давлатчилик маърифати. //Ж. Жамият ва бошқарув. -1997. -3-сон. - Б. 11.
- 71.Комилов Н. Маҳаллий советларнинг сессиялар тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар.-Олий ва маҳаллий Кенгашларнинг ҳуқуқий асослари. Рисола. - Т.: Фан, 1992. - 75 б.
- 72.Мирҳамидов М. Демократизация органов государственного управления Республики Узбекистан: проблем, перспективы. Брошюра. - Т.: Университет, 1992. - 188 с.
- 73.Олломов. Я., Беков И. Конституция ва маҳаллий давлат ҳокимияти. Рисола.-Т.: ТДЮИ, 2005.- 64 б.
- 74.Рўзметов Х. Ҳокимликлар тузилма ва штатлари такомиллаштирилишининг хусусиятлари. //Ж. Давлат ва ҳуқуқ. - 2004. -4-сон. –Б. 31-32.
- 75.Рузметов Х. Ҳокимияты (проблемы теории и практики организации и деятельности местных органов исполнительной власти в Республике Узбекистан). (Монография). -Т.: ТГЮИ, 2004. -244 с.
- 76.Сиддиқов Р.Р Представительные органы и непосредственная демократия в системе местного самоуправления. Брошюра. -Т.: Университет, 1993. – 123 с.
- 77.Султонов С. Ҳақиқий халқ ҳокимияти. Рисола. - Т.: Фан, 1999.- 67 б.
- 78.Чориёров У. Олий ва маҳаллий Кенгашларнинг ижроия идоралари тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар.Олий ва маҳаллий Кенгашларнинг ҳуқуқий асослари (илмий тўплам). Рисола. -Т.: Фан, 1992. -117 б.
- 79.Хусанов О.Т. Конституция Республики Узбекистан и основы государственной власти на местах: правовые, организационные вопросы и проблемы. Брошюра. - Т.:Ўзбекистон, 1995.-119 с.
- 80.Хусанов О.Т.Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари. Рисола. -Т.: «Университет», 1994. —132 б.
- 81.Хусанов О.Т. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. (ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар). Рисола. –Т.: Шарқ, 1996. – 148 б.
- 82.Хусанов О.Т Қонунийлик ҳуқуқий давлатнинг негизи. Ҳуқуқий демократик ислохотлар. // Ж.Жамият ва бошқарув. -1997. - 4-сон. - Б. 7-8.

Назорат саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасини шакллантиришдаги умумий принциплар
2. Сенатор ва депутатларга қўйиладиган талаблар
3. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ташкилий органларини шакллантириш тартиби
4. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссияларининг фаолияти

1-МАСАЛА. Қонунчилик палатасининг доимий профессионал асосдаги фаолияти. Мамлакатимизда икки палатали парламент шакллантирилиши давлат қурилиши соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлиб, у демократик жараёнларни чуқурлаштириш, халқ ҳокимиятининг амалда бўлишини таъминлашни назарда тутди. Ҳуқуқий давлатчиликни шакллантириш кўплаб муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган мураккаб ва давомли жараёндир

Ҳозирги кунда мамлакатимизда давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу Қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг Қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор эришиш вазифаси турибди.

Мамлакатимизда икки палатали парламентнинг барпо этишдан асосий мақсадлардан бири бу парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувозонат ва чекловлар тизимини яратиш, Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб боришини назарда тутган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини кескин ошириш эди.

2-МАСАЛА. Сессия-Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий ташкилий шакли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий шакли:

- сессиялар давридаги ялпи мажлислари;
- Қонунчилик палатаси Кенгаши фаолияти;
- Қонунчилик палатаси кўмита ва комиссиялари фаолияти;
- Қонунчилик палатаси фракциялари ва депутатлар гуруҳларида;
- Палаталар кўшма мажлислари;
- Келишув комиссияси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлислари тегишинча Қонунчилик палатасига сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай ва Сенат таркиб топганидан кейин бир ойдан кечиктирмай Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мажлислари сессиялар даврида ўтказилади. Сессиялар, қоида тариқасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июнь ойи охиригача иш кунига қадар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлислари, агар улар ишида барча депутатлар умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Конституциявий қонунларни қабул қилишда барча депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг **Қонунчилик палатаси мажлисларида**, шунингдек уларнинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди раислари,

Бош прокурори, Марказий банк бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва унинг органлари мажлисларида Сенат Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва унинг органлари мажлисларида Қонунчилик палатаси Спикери иштирок этиши мумкин.

4-МАСАЛА. Қонунчилик палатаси Кенгаши ҳамда қўмиталар фаолияти. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасига кўра Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар сайланади. “Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонуни 7-моддасининг учинчи қисмига кўра Қонунчилик палатасида регламент; Бюджет, банк ва молия масалалари; Иқтисодий масалалар ва тадбиркорлик; Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари; Меҳнат ва ижтимоий масалалар; Мудофаа ва хавфсизлик масалалари; Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталари тузилиши шарт. Қонунчилик палатасида бошқа қўмиталар ҳам тузилиши мумкинлиги кўрсатилиб, уларнинг умумий сони, қоида тариқасида, ўнтадан ошмаслиги кераклиги мустаҳкамланган.

5-МАСАЛА. Сиёсий партия фракциялари ва депутатлар гуруҳлари фаолияти. Мамлакатимиз парламенти фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ, депутатлар бирлашмаларининг икки шакли-фракциялар ва депутатлар гуруҳлари мавжуд.

Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир. Депутатлар гуруҳларини Қонунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиядан кўрсатилмаган депутатлар тузиши мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, Қонунчилик палатасининг камида 9 нафар депутати фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга. Қонунчилик палатасининг депутати фақат бир фракция ёки депутатлар гуруҳининг аъзоси бўлиши мумкин. Фракцияларнинг фаолиятига ташкилий, техникавий жиҳатдан ва бошқа хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг девони томонидан таъминланади

6-МАСАЛА. Депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенат аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунига асосан депутат сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун зарур шарт-шароит билан таъминланиши шарт.

Ушбу қонуннинг 9-моддасига асосан “Депутатларга сайловчилар билан олиб бориладиган ишлар учун Қонунчилик палатасининг регламентида белгиланадиган тартибда муайян кунлари ажратилади”, - деб кўрсатилган.

Депутатлар сайлов округларида ўз ваколатларини амалга ошириш учун тегишли ҳокимият вакиллик органи назорати остидаги ташкилотларда ўз сайлов округидаги фуқароларнинг муҳим манфаатларига тааллуқли бўлган ҳар қандай масала кўриб чиқилиши чоғида иштирок этиш, округ сайловчилари билан йиғилишлар, меҳнат жамоалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партияларнинг ташкилотлари билан йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эгадир.

Амалдаги Қонунчиликда депутатларнинг ўз сайловчиларидан тушган таклиф, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиши, уларни ўз вақтида ҳал этиш чораларини кўриши, сайловчилар олдида ўз фаолияти хусусида вақти-вақти билан ахборот бериб туриши кўрсатилган. Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати йилига камида бир марта ўз иши тўғрисида сайловчиларга ўз фаолияти ва ўзи сайланган Қонунчилик палатаси фаолияти ҳақида ахборот бериб туриши шарт.

7-масала. Сенатнинг ялпи мажлиси. Сенат Кенгаши, қўмита ва комиссиялар фаолияти. Сенат фаолиятининг ташкилий шакли унинг заруратга қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказиладиган **мажлисларидир**. Сенат мажлислари, агар уларнинг ишида сенаторлар умумий сонининг камида ярми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, конституциявий қонунларни маъқуллаш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишда сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлиши шарт. Сенатнинг биринчи мажлиси Сенат шакллантирилганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади. Мазкур мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси очади ва Сенат Раиси сайлангунга қадар унда раислик қилади. Сенат фаолиятини самарали ташкил этиш, қўмиталар ишини мувофиқлаштириб бориш, кун тартиби юзасидан таклифлар тайёрлаш, қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида **Сенат Кенгаши** тузилади. Сенат Кенгашининг таркибига Сенат Раиси, унинг ўринбосарлари ва Сенат қўмиталарининг раислари киради. Сенат Кенгашига Сенат Раиси раҳбарлик қилади, у Кенгашнинг мажлисларини олиб боради ва унинг қарорларини имзолайди.

Сенат томонидан сенаторлар орасидан палатанинг ваколатлари муддатига раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда **қўмиталар** тузилади. Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари Сенатнинг қўмиталари таркибига

сайланиши мумкин эмас. Сенатда регламент, бюджет ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари, ташкилий-маъмурий масалалар, қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари, муҳофизат ва ҳавфсизлик масалалари, ташқи сиёсат масалалари қўмиталари тузилиши шарт. Сенатда бошқа қўмиталар ҳам тузилиши мумкин. Сенат қўмиталарининг умумий сони, қоида тариқасида, саккизтадан ошмаслиги керак. Сенат қўмитасининг раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари палата мажлисида Сенат Раисининг тақдимида биноан сенаторлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан сайланади. Сенат қўмитасининг раиси, унинг ўринбосари, шунингдек қўмита аъзолари сайлангани тўғрисида Сенат қарорлар қабул қилади.

Сенат муайян вазифаларни бажариш учун **комиссиялар** тузиши мумкин. Комиссия Сенат мажлисида сенаторлар орасидан комиссия раиси ва аъзолари, зарурат бўлганда эса комиссия раисининг ўринбосаридан иборат таркибда тузилади. Комиссия тузилгани тўғрисида Сенат қарор қабул қилади. Комиссия ўз зиммасига юклатилган вазифалар бажарилганидан сўнг, қайси муддатга тузилган бўлса, шу муддат ўтганидан кейин ёки Сенатнинг қарорига биноан муддатидан илгари ўз фаолиятини тугатади.

8-масала. Сенаторларнинг ҳудуд манфаатларини ҳимоя қилиш функцияси.

юқори палата мамлакатимизнинг барча ҳудудларига тенг кўз билан қараб, ана шу ҳудудларнинг вакиллари орқали халқимиз манфаатларини бир хилда ҳимоя қилиш керак” деб таъриф берган эди. Чунки, Сенат ҳудудий манфаатлар мутаносиблигини таъминловчи Олий вакиллик органи ҳисобланади. Юртбошимиз, яъни, “Сенатимиз фаолиятининг бугунги кунда энг бўш томони, шуни очик тан олишимиз керак, аввало маҳаллий кенгашлар депутатлар корпуси билан узвий алоқаларни таъминлаганимиз...”

Таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис Сенати амалга оширадиган кўпгина функциялар орасида вакиллик функцияси муҳим аҳамиятга эга.

Сенат ёки сенаторлар вакиллик функциясини икки кўринишда амалга оширадилар:

1. Сенаторнинг халқ вакили сифатидаги вазифалари;
2. Сенаторнинг уни Сенатга тавсия этган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакили сифатидаги вазифалари.

Сенатор, авваламбор, халқнинг вакили бўлиб ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, сенаторлар сенаторлик ваколатини амалга оширишлари билан бир пайтда улар халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг ҳам депутатлари бўлиб ҳисобланадилар.

Сенатор ўзи вакиллик қиладиган Кенгашнинг давлат миқёсида ҳал қилинишини кутаётган масалаларини Олий вакиллик органи иш юритувига олиб чиқади ва унинг ечими, ҳамда шу Кенгаш томонидан унга топширилган вазифаларнинг Сенатда кўрилганлиги тўғрисида Кенгашга маълумот беради. Унинг бундай вакиллик функцияси марказий ва маҳаллий муаммоларнинг олий ва маҳаллий вакиллик органлари томонидан ҳамкорликда ечилишида «кўприк» вазифасини бажаришида кўрилади

9-масала.Палаталарнинг ўзаро муносабатларида келишув комиссияси. Парламент сўрови.

Қонунлар қабул қилиш тартиби, шунингдек келишув тартиб-қоидалари Олий Мажлис палаталари тўғрисидаги Конституциявий қонунларда муфассалроқ тартибга солинган. Қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишув тартиб-қоидаларига Қонунларнинг махсус бўлимлари бағишланган. Уларда, жумладан, қонун лойиҳасининг қуйи палатадан ўтиши, уни юқори палатада кўриб чиқиш тартиби, келишув комиссиясини тузиш ва унинг фаолияти асослари, келишув комиссиясининг таклифларини қуйи палатада кўриб чиқиш тартиби ҳамда қуйи палатада қайта кўриб чиқилган қонунни юқори палата томонидан маъқуллаш тартиби белгиланган. Табиийки, мазкур тартиб-қоидалар палаталарнинг регламентларида муфассалроқ тартибга солиниши лозим. Олий Мажлис палаталарининг қонунлар билан тасдиқланган регламентлари, Конституция, конституциявий қонунлар-нинг қоидаларига мувофиқ, Қонунчилик палатаси қабул қилган қонун лойиҳасининг Сенатда ўтишини, юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун тузиладиган келишув комиссияси ишининг тартиб-қоидаларини (қонун Сенат томонидан рад этилган ҳолда), шунингдек қонунни палаталар томонидан қайта кўриб чиқиш тартибини ва бошқа масалаларни тартибга солади.

Парламент назорати (контроль)-қонун ижодкорлик фаолиятини амалга ошираётган субъектларнинг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш даражасини ўрганиш, қонун ҳужжатлари қоида-талабларини ижро ҳокимияти органлари ва бошқа юридик ва мансабдор шахслар томонидан ҳаётга татбиқ этиш ҳолатини кузатиш, қонунларни ижро этиш жараёнида мавжуд тўсиқ, камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид тегишли тавсиялар бериш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий фаолиятidir. Парламент назоратининг илмий-услубий асосларини янада ривожлантириш, ўз навбатида ушбу жараённинг самарадорлигини ошишига хизмат қилади.

Парламент назорати функциясининг аҳамияти шундаки, биринчидан, қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиши даражасини ўрганиш, иккинчидан, қонунларнинг амалиётда қўлланилишига салбий таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни аниқлаш, учинчидан, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, тўртинчидан, тегишли қонунларга назорат-таҳлил натижаларига асосан қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, бешинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг қонун ҳужжатлари қоида-талабларига сўзсиз амал қилиш масъулияти ва мажбуриятини оширишга хизмат қилади.

10-масала.Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессиялари. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари - халқ депутатлари Кенгашлари ўз ваколатига тааллуқли бўлган муҳим масалаларни мунтазам равишда сессияларда ҳал қиладилар. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунига кўра халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар

Кенгашининг асосий иш шакли сессиядир. Маҳаллий Кенгашларнинг навбатдаги сессиялари тегишли ҳоким, ҳоким йўқлигида эса унинг ўринбосарларидан бири томонидан, заруратга қараб, лекин йилига камида икки марта чақирилади. Депутатлар учун сессиялар давлат ишида қатнашиш мактабидир. Бу билан ҳар бир депутат Кенгаш сессиясида масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этиш, мавжуд камчиликларни очиб ташлаш, Кенгаш, ҳокимлик ва уларга бўйсунган органлар фаолиятини яхшилашга қаратилган таклифлар киритиш имкониятига эга бўлади.

Сессия, шунингдек, ҳокимнинг ташаббусига кўра ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг камида учдан бир қисми ташаббусига биноан ҳам чақирилиши мумкин. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши иш тартибига мувофиқ, шаҳар туманларида тузиладиган депутатлик гуруҳларининг ташаббуси билан ҳам навбатдан ташқари сессия чақирилиши мумкин. Бунинг учта тумандаги депутатлик гуруҳининг талаби лозим бўлади. Бу сессиялар навбатдан ташқари сессиялар дейилади. Тегишли Кенгашнинг навбатдан ташқари сессиясини чақириш тўғрисидаги асослантирилган таклиф сессияда кўриладиган масалаларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда ҳокимга берилади. Ҳоким Кенгашнинг навбатдан ташқари сессиясининг очилишидан уч кун олдин ўз қарорини эълон қилиб, сессияни чақириши мумкин. Кенгаш сессиясини чақириш тўғрисидаги қарордан депутатлар сессия очилишидан камида икки ҳафта олдин хабардор қилинади.

11-масала. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссияларининг фаолияти. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг фаолиятининг ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни ва доимий комиссиялар тўғрисидаги низомлари ташкил этилади. Доимий комиссиялар тўғрисидаги низомларни Кенгашларнинг ўзлари сессияда қабул қиладилар. Доимий комиссиялар депутатларнинг Кенгаш олдига қўйилган ҳуқуқ ва вазифаларини бажаришда иштирок этиши учун тузилади ва улар фаолиятининг асосий ташкилий шаклларида бири бўлиб хизмат қилади. Комиссиялар фаолиятининг ўзига хослиги, энг аввало шундан иборатки, улар орқали депутатлар сессиялар оралиғидаги даврда кенгаш фаолиятига бевосита ва доимий жалб қилинади. Доимий комиссиялар - маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларининг структуравий органлари бўлиб, кўпчилик депутатларни, яъни кўп сонли фаолларни бирлаштирувчи жамоатчилик асосида фаолият юритувчи органдир.

Тест саволлари

1 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти вакиллик органларининг тизимини (тўлиқ жавобни) аниқланг?

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуйи-Қонунчилик палатаси ва Сенати.
2. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси маҳаллий халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва маҳаллий халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари..

2 – Савол.

Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий вакиллик органлари тизимининг тўлиқ жавобини белгиланг?

1. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари..
2. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари.
3. Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси маҳаллий халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари.
4. Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси маҳаллий халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари.
5. Ҳамма жавоблар тўғри.

3 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг фаолиятини ташкил этилиши қайси қонун ва қонун ости ҳужжатлари асосида амалга оширилади?

1. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни ва Сенат Қарори асосида.
2. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни ва Марказий сайлов комиссияси Қарори билан тасдиқланадиган Низом асосида..
3. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарори асосида.
4. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни ва Президентнинг Қарори асосида.
5. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни ва Қонунчилик палатасининг Қарори асосида.

4 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини ташкил этилиши қайси қонун ва қонун ости ҳужжатлари асосида амалга оширилади?

1. “Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуни ва Сенат Қарори асосида.
2. “Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуни ва Марказий сайлов комиссияси Қарори билан тасдиқланадиган Низом асосида.

3. “Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуни ва вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари Раисларининг Қарори асосида.
4. “Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуни ва Марказий сайлов комиссияси Қарори асосида..
5. “Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуни ва вилоят, туман, шаҳар ҳокимларининг Қарори асосида.

5 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўйи-Қонунчилик палатасининг фаолиятини ташкил этилиши қайси қонун ва қонун ости ҳужжатлари асосида амалга оширилади?

1. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни ва Сенат Қарори асосида.
2. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни ва Марказий сайлов комиссияси Қарори билан тасдиқланадиган Низом асосида..
3. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори асосида.
4. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида.
5. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қарори асосида.

6 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг фаолиятини ташкил этишида нечта сайлов округлари тузилади?

1. Юзта сайлов округлари тузилади.
2. Бир юз йигирмата сайлов округлари тузилади.
3. Сайлов округлари вилоят мақомига тенглаштирилган ҳудудларида тузилади.
4. Сайлов округлари вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида тузилади.
5. Тўғри жавоб йўқ..

7 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўйи-Қонунчилик палатасининг фаолиятини ташкил этилишида нечта сайлов округлари тузилади?

1. Юзта сайлов округлари тузилади.
2. Бир юз йигирмата сайлов округлари тузилади..
3. Сайлов округлари вилоят мақомига тенглаштирилган ҳудудларида тузилади.
4. Сайлов округлари вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида тузилади.
5. 3, 4 – жавоблар тўғри.

8 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг фаолиятини ташкил этишида нечта сайлов участкалари тузилади?

1. Юзта сайлов участкалари тузилади.
2. Бир юз йигирмата сайлов участкалари тузилади.
3. Сайлов участкалари вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида тузилади.
4. Сайлов участкалари туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида тузилади.
5. Тўғри жавоб йўқ.

9 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўйи-Қонунчилик палатасининг фаолиятини таъкил этилишида нечта сайлов участкалари тузилади?

1. Сайлов участкалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида тузилади.
2. Сайлов участкалари юзтадан, юз элликтагача аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудларда тузилади.
3. Сайлов участкалари йигирматадан, уч мингтагача аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудларда тузилади..
4. Сайлов участкалари шаҳарча, қишлоқ, маҳалла ва овулларда тузилади.
5. 1, 4 – жавоблар тўғри.

10 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш тартибини аниқланг?

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, аъзолари (сенаторлар) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади..
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, аъзолари (сенаторлар) вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – етти кишидан сайланади.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, аъзолари (сенаторлар) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, аъзолари (сенаторлар) вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, аъзолари (сенаторлар) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – етти кишидан сайланади.

11 - Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўйи-Қонунчилик палатасига сайлов ўтказишнинг асосий принципларини тўлиқ жавобини белгиланг?

1. Қонунчилик палатаси ҳудудий кўп партиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади..
2. Қонунчилик палатаси ҳудудий кўп партиявийлик асосида шахснинг миллий, диний эътиқодларидан қатъи назар яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

3. Қонунчилик палатаси ҳудудий кўп партиявийлик асосида шахснинг сиёсий дунёқарашларидан қатъи назар яширин овоз бериш йўли билан сайланади.
4. Қонунчилик палатаси ҳудудий кўп партиявийлик асосида аҳолининг тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан сайланади.
5. Ҳамма жавоблар тўғри.

12 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига сайлов ўтказиш муддатларини аниқланг?

1. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий вакиллик органлари сайлови ўтганидан кейин икки ойдан кечиктирмасдан ўтказилади.
2. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий вакиллик органлари сайлови ўтганидан кейин бир ойдан кечиктирмасдан ўтказилади..
3. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий вакиллик органлари сайлови ўтганидан кейин уч ойдан кечиктирмасдан ўтказилади.
4. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий вакиллик органлари сайлови ўтганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмасдан ўтказилади.
5. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий вакиллик органлари сайлови ўтганидан кейин икки ҳафталик муддатдан кечиктирмасдан ўтказилади.

13 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолигига сайланадиган номзодларга қўйиладиган талаблар?

1. Сайлов куни ўттиз ёшга тўлган ва беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаган бўлиши лозим.
2. Сайлов куни ўттиз беш ёшга тўлган ва ўн йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаган бўлиши лозим.
3. Сайлов куни ўттиз ёшга тўлган ва ўн беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаган бўлиши лозим.
4. Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ва беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаган бўлиши лозим..
5. Сайлов куни йигирма уч ёшга тўлган ва беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаган бўлиши лозим.

14 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолигига кўрсатилган номзодлар сайловларини ўтказилишида маҳаллий вакиллик органларининг қўшма мажлисининг ваколатлилигини белгиланг?

1. Агар унда депутатлар умумий сонининг камида ярми ҳозир бўлса ваколатли ҳисобланади.
2. Агар унда депутатлар умумий сонининг камида 3/2 қисми ҳозир бўлса ваколатли ҳисобланади..

3. Агар унда депутатлар умумий сонининг ҳаммаси ҳозир бўлса ваколатли ҳисобланади.
4. Агар унда депутатлар умумий сонининг камида ярмидан кўпи ҳозир бўлса ваколатли ҳисобланади.
5. Агар унда депутатлар умумий сонининг камида 70% ҳозир бўлса ваколатли ҳисобланади.

15 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолигига номзодлар кўрсатиш ва овоз беришни ўтказиш, маҳаллий вакиллик органларининг қўшма мажлисини чақириш тартиби қайси қонун ҳужжатларида белгиланган?

1. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонунида ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси вилоят сайлов комиссияси Раисларининг Қарори билан тасдиқланган Низомларда.
2. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонунида ва Марказий сайлов комиссияси Қарори билан тасдиқланадиган Низомда..
3. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонунида ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори асосида тасдиқланган Низомда.
4. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида”ги Қонунида ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қуёи – Қонунчилик палатаси Қарори билан тасдиқланган Низомда.
5. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси вилоят сайлов комиссияси Раисларининг Қарори билан тасдиқланган Низомларда.

16 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолигига номзодларга овоз бериш натижаларини аниқлаш қандай амалга оширилади?

1. Овоз бериш натижаларига кўра бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган Сенат аъзолигига номзодлар сайланган ҳисобланади.
2. Маҳаллий вакиллик органларининг қўшма мажлисида иштирок этаётган депутатларнинг 50%дан ортиқ овозини олган Сенат аъзолигига номзодлар сайланган ҳисобланади..
3. Маҳаллий вакиллик органларининг қўшма мажлисида иштирок этаётган депутатларнинг 3/2 қисмининг овозини олган Сенат аъзолигига номзодлар сайланган ҳисобланади.
4. 1, 2 – Жавоблар тўғри.
5. Ҳамма жавоблар тўғри.

17 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолигига номзодларга такрорий овоз бериш қандай амалга оширилади?

1. Агар овоз бериш чоғида белгиланган миқдорда Сенат аъзолари сайланмаган бўлса, сайланмай қолган номзодлар бўйича шу қўшма мажлиснинг ўзида такрорий овоз бериш ўтказилади.
2. Агар овоз бериш чоғида белгиланган миқдорда Сенат аъзолари сайланмаган бўлса, сайланмай қолган номзодлар бўйича шу қўшма мажлиснинг ўзида энг кўп овоз тўплаганлар учун такрорий овоз бериш ўтказилади.
3. Агар овоз бериш чоғида белгиланган миқдорда Сенат аъзолари сайланмаган бўлса, сайланмай қолган номзодлар бўйича шу қўшма мажлиснинг ўзида зарур миқдорда тўпламаганлар учун такрорий овоз бериш ўтказилади..
4. 1, 3 – Жавоблар тўғри.
5. Ҳамма жавоблар тўғри.

18 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари сайловининг якунлари қандай амалга оширилади?

1. Марказий сайлов комиссияси давлат ҳокимияти вакиллик органлари қўшма мажлисларининг баённомалари асосида, беш кундан кечиктирмай, Сенат аъзоларини рўйхатга олади..
2. Агар сайлов давомида, овозларни санаб чиқишда, яширин овоз бериш натижаларини аниқлашда ушбу Қонун талаблари бузилган деб топилса, сайлов якунлари ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.
3. Агар сайлов давомида, овозларни санаб чиқишда, яширин овоз бериш натижаларини аниқлашда ушбу Қонун талабларида ўтказилган деб топилса, сайлов якунлари беш кундан кечиктирмай эълон қилинади.
4. 1, 2 – Жавоблар тўғри.
5. Ҳамма жавоблар тўғри.

19 – Савол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари сайловининг якунлари устидан шикоят бериш тартиби қайси муддатларда амалга оширилиши мумкин?


1. Маҳаллий вакиллик органлари қўшма мажлисининг ва Марказий сайлов комиссиясининг Қарори эълон қилинган кундан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят берилиши мумкин..
2. Маҳаллий вакиллик органлари қўшма мажлисининг ва Марказий сайлов комиссиясининг Қарори эълон қилинган кундан ўн беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят берилиши мумкин.
3. Маҳаллий вакиллик органлари қўшма мажлисининг ва Марказий сайлов комиссиясининг Қарори эълон қилинган кундан беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят берилиши мумкин.
4. Маҳаллий вакиллик органлари қўшма мажлисининг ва Марказий сайлов комиссиясининг Қарори эълон қилинган кундан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят берилиши мумкин.
5. Маҳаллий вакиллик органлари қўшма мажлисининг ва Марказий сайлов комиссиясининг Қарори эълон қилинган кундан бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят берилиши мумкин.


20 – Савол.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолигига бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказиш тартиби қайси муддатларда амалга оширилади?


1. Сенат ваколати муддатининг тугашига олти ойдан кам вақт қолганда, аъзолигига ўрни бўшаб қолса, янги аъзолигига сайлови ўтказилади..
2. Сенат ваколати муддатининг тугашига уч ойдан кам вақт қолганда ҳам аъзолигига ўрни бўшаб қолса, янги аъзолигига сайлови ўтказилади.
3. Сенат ваколати муддатининг тугашига бир йилдан кам вақт қолганда, аъзолигига ўрни бўшаб қолса, янги аъзолигига сайлови ўтказилади.
4. Сенат ваколати муддатининг тугашига саккиз ойдан кам вақт қолганда, аъзолигига ўрни бўшаб қолса, янги аъзолигига сайлови ўтказилади.
5. Сенат ваколати муддатининг тугашига бир йил қолганда, аъзолигига ўрни бўшаб қолса, янги аъзолигига сайлови ўтказилади.


СХЕМА












Қонун ости ҳужжати мониторинги



Қонун ижодкорлиги жараёнининг ҳуқуқий асослари:

- ❑ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
- ❑ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида” ги конституциявий қонуни
- ❑ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида” ги конституциявий Қонуни
- ❑ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида” ги қонуни
- ❑ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида” ги қонуни
- ❑ Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” ги қонуни

Қонун ижодкорлиги босқичлари :

- муайян қонун яратилишига бўлган объектив эҳтиёжни аниқлаш;
- қонунчилик ташаббуси;
- қонун лойиҳасини муҳокама қилиш ва қабул қилиш;
- қонунни маъқуллаш;
- қонунни имзолаш ва эълон қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидан қонун лойиҳаларининг ўтиш тартиби

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига
қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан киритилади.

Қонунчилик палатаси Спикери қонун лойиҳасини дастлабки тарзда
кўриб чиқадиған қўмитага топширади.
Масъул қўмита хулоса тайёрлайди

Қонунчилик палатаси кенгаши масъул қўмита хулосаси асосида
қарор қабул қилади

Кўриб чиқиш учун қабул қилинған қонун лойиҳаси тегишли материаллар
билан Қонунчилик палатасининг қўмиталарига юборилади.

Қонунчилик палатаси Кенгаши масъул қўмита тақдим этған қонун лойиҳасини
биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун қонунчилик палатаси мажлисининг қон
тартиби лойиҳасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан қонун лойиҳасини кўриб чиқиш тартиби

Қонун рўйхатга олинади ва Сенат Раиси томонидан қонунни
кўриб чиқадиган ҳамда унинг юзасидан
хулоса тайёрлайдиган қўмига топширилади.

Масъул қўмитанинг хулосаси Сенат Кенгашига тақдим этилади,
Кенгаш қонунни Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига
киритиш- киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилади.

Қонун Сенат томонидан сенаторлар умумий сонининг
кўпчилик овози билан маъқулланади

Сенат томонидан маъқулланган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун
Сенат қарори билан биргаликда белгиланган тартибда Ўзбекистон
Республикаси Президентига юборилади.

Ижтимоий муносабат соҳасига кўра экспертиза турлари

тарихий-маданий

илмий

техникавий

иқтисодий

молиявий


ҳуқуқий

криминологик

экологик

биологик

тиббий ва ҳ.к.



6-мавзу. Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг ҳуқуқий мақоми.

Режа

1. Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг ҳуқуқий мақоми. Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг функциялари.
2. Ўзбекистон Республикасида Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси фаолиятининг кафолатлари.
3. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг ҳуқуқий мақоми.
4. Депутат ва Сенат аъзосини чақириб олиш асослари ва тартиби.

Фойдаланадиган адабиётлар руйхати Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11-Т.: “ Ўзбекистон”, 2003.-320б
2. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12-Т.: “ Ўзбекистон”, 2004.-400б
3. Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди». Т., “Ўзбекистон” НМИУ. 2005.-64б.
4. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13-Т.: « Ўзбекистон», 2005.-448б
5. Каримов И.А. “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият» Т.: «Ўзбекистон», 2005. – 48 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

- 1 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон» 2003 .- 40б.
- 2 “Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги қонун // Ўзбекистон республикаси қонунлар тўплами, 2005 й, №8-9, 64 бет.
- 3 “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 02.12.2004 й. 704-П Қонуни билан тасдиқланган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2004 й.
- 4 “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 02.12.2004 й. 706-П Қонуни билан тасдиқланган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2004 й.
- 5 “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги

- Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 518-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 132-модда
- 6 “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 518-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 132-модда (Ҳужжатнинг олдинги таҳририга қаранг)
- 7 “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 520-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 134-модда
- 8 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 522-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 136-модда
- 9 “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 523-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 137-модда
- 10 “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 04.04.2002 й. 350-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 4-5-сон, 60-модда
- 11 “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 432-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 12-сон, 213-модда // Ўзбекистон Республикаси 25.04.2003 й. 482-II-сонли Қонун билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 5-сон, 67-модда
- 12 “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 434-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 12-сон, 215-модда // Ўзбекистон Республикаси 25.04.2003 й. 482-II-сонли Қонун билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 5-сон, 67-модда
- 13 “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 30.08.2001 й. 265-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 9-10-сон, 176-модда // Ўзбекистон Республикаси 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонун билан ўзгартиришлар киритилган
- 14 Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 02.09.1993 й. 913-XII-сон Қонуни) / Ўзбекистон Республикаси Олий

Кенгаш Ахборотномаси 1993 й. 9-сон, 320-модда // Ўзбекистон Республикаси 30.08.1997 й. 485-I-сон Қонуни, 25.12.1998 й. 729-I-сон Қонуни, 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997 й. 9-сон, 241-модда, 1999 й. 1-сон, 20-модда

- 15 “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 14.04.1999 й. 758-I-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1999 й. 5-сон, 110-модда

Асосий адабиётлар

- 1.Тўлаганов А. Т. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари. Дарслик. Т. : Адолат. 2001 йил .
- 2.Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи . Дарслик. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 480 бет.
- 3.Одилқориев Ҳ.Т, Тултыев И.Т, Муҳамедов Ў.Х. Конституциявий ҳуқуқ. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005 й. 752 бет.
- 4.Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Том 3. Отв. ред. Б.А.Страшун. -М.: Бек. 1997. - 764 с.
- 5.Парламенты мира: Сб. -М.: Интерпракс. 1991. - 624 с.
- 6.Конституционное право зарубежных стран. /В.Е. Чиркин Москва: Изд-во "Юристь", 2002. - 622 с.
- 7.Давлат ҳокимияти вакиллик органлари. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. Т. : Т.Д.Ю.И. 2006 456-б .

Қўшимча адабиётлар

- 1.Хусанов О.Т Қонунийлик ҳуқуқий давлатнинг негизи. Ҳуқуқий демократик ислохотлар. // Ж.Жамият ва бошқарув. -1997. - 4-сон. - Б. 7-8.
2. Халилов Э.Х. Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида Олий Мажлис фаолиятининг асосий йўналишлари // Ҳаёт ва қонун. 1998. №5. 2-11 б.
3. Аҳмедов Д.Қ. Чўлиев.А.Б. “Сенат”. Рисола. —Т.: ТДЮИ, 2005. - 46 б.
4. Аҳмедов Д.Қ. // Қонунчилик палатаси (унинг шаклланишида сиёсий партияларнинг ўрни). - Халқ сўзи- 17 сентябр.- 2004.
5. Аҳмедов.Д.Қ., Беков.И. Ўзбекистон Республикасида вакиллик органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни. // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. - 2004.- 3-сон. – Б. 2-4.
6. Аббосхўжаев О. Ўзбекистонда парламент ислохотлари. // Ж. Жамият ва бошқарув. – 2004. -1-сон. – Б. 31.
7. Алимов Х.А. К вопросу о статусе Олий Мажлиса Республики Узбекистан. // Ж. Ҳуқуқ. - 2001. - № 2. – С. 28.
8. Беков И. // Сайловчи ҳуқуқларининг кафолати.- Адолат.- 30 июль.- 2004.

9. Зулфиқоров Ш.Х. Қонунчилик палатаси: янги кўмита зарурати. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. //Ж. Ҳаёт ва қонун. - 2005. -3-сон.- Б. 59-60.
- 10.Зулфиқоров.Ш.Х. Қонунчилик палатаси иш фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари. // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. -2005.- 4-сон. - Б. 19-20.
- 11.Ибодуллаев Ж. Ўзбекистон Республикаси Парламенти: бугуни ва истиқболи. // Халқаро илмий-амалий конференция илмий мақола. 2001. –Т., Самарқанд, 2001.- Б. 8-12.
- 12.Саидов. А. Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. Рисола. - Т.: ТДЮИ, 2005. – 44 б.
- 13.Саидов А.Х. // Современный парламент: зарубежный опыт- Правда Востока.- 11 января.- 2001.
- 14.Сулейманов Н. // Миром движет гуманизм. - Правда Востока.- 4 июля. - 2002.
- 15.Саидов А.Х.// На основе равноправия и взаимной выгоды. - Народное слово. - 6 декабря. -2000.
16. Тультеев.И.Т. Одилқориев Х.Т. Икки палатали парламент ИИВ Академияси. (Монография). –Т.: Шарқ, 2004.- 158 б.
- 17.Тультеев И.Т. Правовой статус депутата. // Ж. Ҳуқуқ. – 2001.- 3 –сон.- С. 24-25.
- 18.Тожиев М. // Сайлов ҳуқуқининг конституциявий асослари. - Ўзбекистон овози.- 9 ноябрь.- 2004.
- 19.Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. (Монография). — Т.:Ўзбекистон, 2001. - 45 б.
- 20.Халилов Э.Х. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши (Олий Мажлис шаклланишининг ҳуқуқий асослари). Рисола. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 96 б.
- 21.Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикаси парламенти: биринчи қақриқ Олий Мажлисининг фаолияти (ўзбек ва рус тилларида). Рисола. — Т.: Ўзбекистон, 1999. - 80 б.
- 22.Ҳусанова М. Икки палатали парламент:депутатлар бирлашмалари. // Ж.Ҳаёт ва қонун. – 2005. -1- сон - Б. 25-26.
- 23.Ҳусанов О. Ваколат ва масъулият, у парламент фаолиятининг асосидир. // Ж. Ҳаёт ва қонун. – 2005. - 1-сон. -Б.13-15.
- 24.Ҳусанов О. Ўзбекистонда икки палатали парламентга ўтиш зарурати. // Ж. Жамият ва бошқарув. - 2004. -3-сон. - Б.11-13.
- 25.Хидиров С.М. Ташаббускорлик ва масъуллиқ. Сенат фаолиятининг асосидир. // Ж.Ҳуқуқ ва бурч. – 2006. -1- сон. - Б. 18-19.
- 26.Хидиров.С. Беков. И. // Сенат ва маҳаллий кенгашлар: ҳамкорликни такомиллаштириш масалалари. -Инсон ва қонун. - 26 февраль.- 2006.
- 27.Хидиров С.М. // Мувофиқлаштирувчи орган. - Инсон ва қонун.- 30 май. – 2005.
- 28.Хидиров С.М. // Сенат ва маҳаллий Кенгашлар. Ҳамкорликни такомиллаштириш масалалари.- Инсон ва қонун. - 28 феврал. – 2006.

29. Чинибоев Ў. Ж. Роль и место законодательства в реализации конституционных прав и свобод граждан. //Тез.докл. Респуб. научно-теорет. конф. 13 декабря 2003. –Т., ТГЮИ, 2003.- С 24-25.
30. Эшматова Ф. Икки палатали парламент тизими, унинг принциплари ва моҳияти. // Ж. Ҳаёт ва қонун. -2004. – 4-сон. - Б.16-17.
31. Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. (тажрибалар, қиёсий таҳлил).Рисола. – Т.: Шарқ, 1997. – 112 б.
32. Абдураззақов С.Қ. Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари тизимининг ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий ҳуқуқий асоси. Рисола. - Т.: Адолат, 1995. - 138 б.
33. Азизхўжаев А.А. Мустақилликка: курашлар, итироблар, қувончлар. Рисола. – Т.: Шарқ, 2001. -140 б.
34. Азизхўжаев А.А. ва бошқ. Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат). Рисола. –Т.: Академия, 2001. – 160 б.
35. Азизхўжаев А.А. Проблемы правоохранительной деятельности местных Советов. Рисола. – Т.: Ўзбекистон, 1990. - 139 б.
- 36.6. Аҳмедов Д.Қ. // Дехқон фермер хўжалиги. - Тошкент оқшоми. -14 декабр.- 1996.
37. Аҳмедов Д.Қ. Деятельность высших и местных органов государственной власти Республики Узбекистан: Конституционные реформы и мировой опыт «Верховенство закона в сфере публично-правовых отношений. Смежные юридические профессии». // Международный симпозиум. 10-11 сентября 2005. - Т., 2005. –С. 23-36.
38. Азизхўжаев А.А. Ҳокимият тақсимланиши таомилининг амалий ифодаси. // Ж. Ҳаёт ва қонун. -1994. -2-сон. -Б. 3-7.
39. Беков И. Ҳоким. // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. - 2003. -11-сон. –Б. 235.
40. Бойдадаев М. Давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари вазибаларининг ривожланиш шакл ва услублари. Рисола. – Т.: ТДЮИ, 2003. - 64 б.
41. Бойдадаев М. Фуқаролик жамияти ва давлат бошқарувининг долзарб муаммолари. Рисола. – Т.: ТДЮИ, 2003.- 52 б.
42. Бойдадаев М. Ўзбекистонда давлат бошқарув аппаратининг шаклланиш ва тараққиёт йўналишлари. Рисола. –Т.: ТДЮИ, 2003. - 60 б.
43. Ғаниева Г.Ю «Маҳаллий ҳокимият ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш» «Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва Фуқаролик жамияти қуриш масалалари.» Тўплам. 2005 йил. ЎЗМУ. 174-179 бет.
44. Ғаниева Г.Ю «Халқ депутатлари Кенгашларига сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг такомиллашуви масалалари». «Ёш олимларнинг фан техника тараққиётида тутган ўрни». // Конференция тўплами. 2005. – Т., ЎЗМУ, 2005. –Б. 17-21.
45. Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти:

- тажриба ва муаммолар. Рисола. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 190 б.
46. Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. Рисола. – Т.: Шарқ, 1998. – 144 б.
47. Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар. Рисола. -Т.: Шарқ, 1994. – 192 б.
48. Зокиров С. Ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамияти сари. Рисола. – Т.: Меҳнат, 1999. – 115 б.
49. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроя ҳокимияти органлари. Рисола. -Т.: «Университет», 1994. —132 б.
50. Хусанов О.Т. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. (ҳукуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар). Рисола. –Т.: Шарқ, 1996. – 148 б.

Назорат саволлари

1. Депутатнинг ҳукуқий мақоми тушунтиринг?
2. Депутат ва Сенатор мақоми фойси қонун билан тартибга солинади?
3. Императив депутат мандати ва эркин депутат мандати нима?
4. Қонунчилик палатаси депутатининг ваколатлари қандай ҳолларда муддатидан илгари тугатилади?

1-МАСАЛА. Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг ҳукуқий мақоми. Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг функциялари. Қонунчилик палатаси депутати ва сенатор фаолиятининг ҳукуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва қатор қонун нормаларида: “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги , “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги қонунларида ва бошқа қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб берилган.

2-МАСАЛА. Ўзбекистон Республикасида Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси фаолиятининг кафолатлари.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунида депутат ва сенаторларнинг ўз ваколатларини тўлиқ ҳажмда ва мустақил равишда амалга оширишлар учун маълум бир даражада кафолатлар белгиланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва сенаторнинг шаъни ва кадр- қимматига тажовуз қилган шахслар қонунга мувофиқ маъмурий, жиноий жавобгар бўладилар. Депутат ва сенаторни ҳақорат қилган, унга нисбатан тухмат қилган, унга атайлаб сохта маълумот берган мансабдор шахслар тегишли жавобгарликка тортилиши ҳам қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Айрим хорижий мамлакатларда парламент депутатларини шаъни ва кадр- қимматига тажовуз қилиш айбни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Хусусан, Финляндия қонунчилигига кўра, парламент, депутатини сессияга бориш ёки қайтиш даврида уни депутатлигини билган ҳолда шаъни ва кадр-қимматига тажовуз қилиб, ҳақорат қилган шахсларни жавобгарликка тортишда ушбу ҳолат оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобланиши лозимлиги белгиланган.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига асосан Қонунчилик палатаси депутати ва сенатор ўзининг ваколатлари муддати мобайнида дахлсизлик ҳуқуқига эга.

3-МАСАЛА. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг ҳуқуқий мақоми. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари тизимида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши муҳим ўрин тутadi. Вилоят ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига 60 та, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига 30та депутатлар бевосита халқ томонидан тўғридан-тўғри сайланадилар.

Вилоят, туман ва шаҳар Кенгашининг депутати фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги қонунларида ўз ифодасини топган.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисидаги қонунларида депутатнинг ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилган.

Депутат ҳуқуқлари билан бир қаторда мажбуриятларга ҳам эга. Яъни, депутат тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисларида ҳамда мазкур Кенгаш томонидан тузилган қайси комиссия таркибига сайланган бўлса, шу комиссиянинг мажлисларида қатнашиши, овоз беришда тегишли халқ депутатлари Кенгашининг регламентида белгиланган тартибда шахсан иштирок этиши шарт.

Депутатнинг тегишли халқ депутатлари Кенгашининг ҳамда қайси комиссия таркибида бўлса, шу комиссиянинг мажлисида иштирок этиш имконияти бўлмаган тақдирда, бу ҳақда мазкур халқ депутатлари Кенгаши ёки комиссия раҳбарига олдиндан хабар қилиши шарт.

Халқ депутатлари Кенгашининг депутати ўз округи сайловчилари билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан мунтазам алоқа боғлаб туради, тегишли халқ депутатлари Кенгашида уларнинг манфаатларини ифода этади.

4-МАСАЛА. Депутат ва Сенат аъзосини чақириб олиш асослари ва тартиби. 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги қонунида депутатни, сенаторни чақириб олиш учун қуйидагилар асос бўлади:

депутатнинг, сенаторнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини жиной, фуқаровий, маъмурий ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа турдаги жавобгарликка олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузганлиги;

депутатнинг, сенаторнинг ахлоқ, депутатлик одобининг умум эътироф этилган нормаларини қўпол равишда бузувчи ва депутат, сенатор номига доғ туширувчи ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг обрўсига путур етказувчи ҳаракатлар, ножўя ишлар содир этганлиги;

депутатнинг, сенаторнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўз вазифаларини мунтазам равишда, узрли сабабларсиз бажармаганлиги, шу жумладан тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) мажлисларида, уларнинг органлари ишида иштирок этмаганлиги, уларнинг топшириқларини бажармаганлиги.

Депутат қонунчиларни жавобгарликка олиб келиш даражасида бузса, ўз хатти-ҳаракатлари билан депутатлик номига доғ туширса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси обрўсига путур етказса, ўз депутатлик вазифасини бажаришга масъулият билан ёндашмаса депутатликдан чақириб олинishi мумкин.

Қонун ҳужжатларини, ахлоқ ва депутатлик одоби нормаларини бузган, ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармаётган депутатни, сенаторни чақириб олиш зарурлиги тўғрисидаги қарор тегишинча халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, Қонунчилик палатаси ёки Сенат (Сенат Кенгаши) томонидан қабул қилинади.

Депутатни, сенаторни чақириб олиш масаласини кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва прокуратура томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган сўрови ҳам асос бўлиши мумкин.

Депутатнинг, сенаторнинг қонун ҳужжатларини бузганлиги далилларига оид материаллар халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, Қонунчилик палатаси ёки Сенат (Сенат Кенгаши) томонидан тегишинча вилоят, туман, шаҳар прокурорига ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва ушбу масала юзасидан халқ депутатлари Кенгашининг, Қонунчилик палатасининг ёки Сенатнинг депутатлик одоби қўмитасига (комиссиясига) ҳулоса тақдим этиш учун топширилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, Қонунчилик палатаси ёки Сенат (Сенат Кенгаши) депутатлик одоби қўмитасининг (комиссиясининг) ва прокурорнинг ҳулосаларини эшитиш якунлари бўйича депутатни, сенаторни

чақириб олиш ҳақидаги масаланинг қўйилиши асослилиги ёхуд асоссизлиги тўғрисида қарор чиқаради.

Чақириб олиш тўғрисидаги масаласи қўйилган депутатнинг, сенаторнинг ҳамда мазкур масалага доир материалларни ўрганган ва тайёрлаган прокурорнинг фикри халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг, Қонунчилик палатасининг ёки Сенатнинг (Сенат Кенгашининг) мажлисида эшитилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, чақириб олинган депутат ҳуқуқи қонун бўйича кафолатланади. Бу чақириб олиш учун асослар мавжуд материаллар уч кун ичида депутатга ҳужжатлар илова қилинган ҳолда хабар қилинишида, чақириб олиш учун масаласи қўйилган депутат сайловчилар билан учрашишга, сайловчиларнинг йиғилишларида, Қонунчилик палатаси сессия ва мажлисларида чақириб олиш масаласи қўрилаётганда иштирок этиш ва ўзини ҳимоя қилиб сўзга чиқишга ҳақли эканида намоён бўлади.

Тест саволлари

1– Савол

Вакиллик органлари функцияси нимани англатади?

- А.** Халқ оммасининг давлат ишларини бошқаришда ўз вакиллари орқали иштирок этишини.
- Б.** Депутатларнинг ўз сайловчилари олдида вақти-вақти билан ҳисобот бериб туришини.
- В.** Вакиллик органлари йиғилишларида мансабдор шахсларнинг вақти-вақти билан ҳисобот бериб туришини.
- Г.** Вакиллик органлари сессияларида давлат ва жамият аҳамиятига молик масалаларнинг ҳал этилишини.
- Д.** А) ва Г) жавоблар тўғри.


2– Савол

Депутатнинг функцияси нима?

- А.** Давлат сайлов ҳокимияти эркини аниқлаш, ифодалаш ва уни амалга ошириш жараёнида иштирок этиш.
- Б.** Йиғилишларда меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишда фаол иштирок этиш.
- В.** Давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ижросини таъминлаш.
- Г.** Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини қабул қилишда иштирок этиш.
- Д.** В) ва Г) жавоблар тўғри.

Deputat va senatorning huquqiy holati. Deputat faoliyatining kafolot turlari

СХЕМА



Мустақил ишнинг намунавий мавзулари.

1.	Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти вакиллик органлари билан МДХ мамлакатлари давлат ҳокимияти органларининг ўзаро қиёсий таҳлили.
2.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари
3.	Қорақалпоғистон Республикаси олий вакиллик органи - Жуқорғи Кенгеси
4.	Ўзбекистон Республикасида ҳокимлик институти ва унинг тарихий аҳамияти.
5.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг функциялари
6.	Маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг комиссиялари.
7.	Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси Сенати девони.
8.	Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг ёрдамчи ташкилий услублари.
9.	Фуқаролик жамиятини шакллантиришда вакиллик демократиясининг ўрни
10.	Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро муносабати.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАНИДАН ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

БЕВОСИТА ДЕМОКРАТИЯ - Ўзбекистон Республикаси халқининг ўз ҳокимиятини бевосита амалга ошириш шакллари ва воситалари (институтлари) мажмуини қамраб олувчи тушунча. Бевосита демократия негизини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ташкил этади. Конституциянинг 7-моддасида мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Конституция ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ва сайловдан ташқари, бевосита демократия институтларига муҳим давлат қарорлари ва қонунлар муҳокамаси, петициялар, халқ ташаббуслари, фуқароларнинг яшаш ва иш жойидаги йиғилишлари (йиғинлари) киради. Ҳуқуқ фанида бевосита демократия институтларини икки гуруҳга: императив ва консультатив хусусиятга эга институтларга ажратиш қабул қилинган. Бевосита демократия императив шакллариининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, халқ томонидан қабул қилинган қарор узил-кесил, мажбурий ҳисобланади, давлат органлари ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тасдиқлашни тақозо этмайди (улар фақат мазкур қарорни расман қабул қилинган деб эълон қилишлари мумкин). Бевосита демократиянинг императив шаклларига императив референдум ҳамда депутатлар ва сайлаб қўйиладиган мансабдор шахсларни халқ томонидан сайлаш киради. Бевосита демократия консультатив шакллариининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар ёрдамида аниқланган халқ (аҳоли) нинг хоҳиш-иродаси тегишли давлат органи ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг қарорида ўз аксини топади (мазкур қарорга асос бўлиб хизмат қилади). Лекин орган ўз ҳужжатининг узил-кесил матнини ўзи мустақил таърифласа-да, у халқ (аҳоли)нинг хоҳиш-иродасини ўзгартира олмайди. Бевосита демократиянинг консультатив шаклларига консультатив референдумлар (сўровлар), халқ муҳокамалари, ташаббуслари (шу жумладан ҳуқуқ ижодкорлиги ташаббуслари), петициялар киради. Фуқароларнинг йиғилишлари (йиғинлари)нинг қарорлари айрим ҳолларда (масалан, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини сайлашда, депутатликка номзодларни киритишда) императив хусусиятга эга бўлса, бошқа ҳолларда (масалан, микротуманда ёки аҳоли яшайдиган пунктда янги объект қурилиши юзасидан ўз фикрини билдиришда, маҳаллий тузилма бошлиғининг билдиришини муҳокама қилишда) консультатив хусусиятга эга бўлади. «Тўғридан-тўғри демократия», «бевосита халқ ҳокимиятчилиги» тушунчалари ҳам «бевосита демократия» тушунчаси билан бир хил маънода қўлланади. Бевосита демократия бу – демократиянинг муҳим йўналиши бўлиб, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларида тўғридан-тўғри қатнашишлари, мамлакатда олиб бориладиган сиёсатга ва сиёсий ўзгаришларга ўз муносабатларини билдиришларидир. Бевосита демократияда ҳар бир фуқаронинг хоҳиш-иродаси, сиёсий талаб ва таклифлари акс этади. Бевосита демократиянинг дастлабки кўринишлари қулдорлик жамиятида рўй берган. Ўша даврларда жамият аъзолари мамлакат ва давлат ҳаётига доир масалаларни ҳал қилишда тўғридан-тўғри иштирок этишган, катта-катта йиғинлар ўтказилиб, уларда қулдорлик давлати олиб борган сиёсатга муносабат билдирилган, сиёсий ҳокимиятга уларнинг ўзлари учун маъқул бўлган кишилар тавсия қилинган. Масалан, қадимги Афинада халқ йиғини сиёсатнинг ҳамма асосий масалаларини қараб чиққан ва ҳал қилган. Бевосита демократиянинг бир мунча такомиллашган шакли XX асрнинг ўрталарида Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда вужудга келди. Мазкур мамлакатларда халқ оммаси ва ҳар бир фуқаро жамият ва давлат ишларини бошқариш, мамлакатда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга ўз муносабатларини билдиришда тўла эркинлик асосида ҳаракат

кила бошладилар. Бевосита демократиянинг амал қилиши сиёсий тузумларга ва уларда ҳукмрон бўлган сиёсий кучлар фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Масалан, тоталитар ва авторитар сиёсий тузумларда бевосита демократия чекланган бўлади. Уларда кучли давлат ҳокимияти ўз иродасини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини буғишга, уларнинг жамият ишларида фаол иштирок қилишларига қарши қўяди. (1)

ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИ — халқ ёки унинг қисми томонидан махсус коллегиял муассаса (парламент, муниципал кенгаш)га, қатъий белгиланган муддатга бирлашган ўз сайланадиган вакилларига берган ваколатлари мажмуи, шунингдек, шу вакиллик ҳокимият органларининг йиғиндиси. Вакиллик ҳокимияти тушунчаси фақат вазифавий мақсаднигина эмас, балки ҳокимият табиатини, уни амалга ошириш усулини ҳам ифодалайди. Вакиллик ҳокимиятини қонун чиқарувчи ҳокимият билан адаштирмаслик керак, чунки ҳар қандай Вакиллик ҳокимияти ҳам қонун чиқарувчилик ваколатини ўз ичига олмайди (масалан, муниципал кенгаш вакиллик ҳокимиятини амалга оширувчилар қонун чиқара олмайди) ва аксинча, ҳар қандай қонун чиқарувчи ҳокимият Вакиллик ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилмайди (масалан, мутлақ монархнинг қонунчилик ҳокимияти). Бундан ташқари, Вакиллик ҳокимияти норма ижодчилиги билан бирга назорат, баъзида кўрсатма бериш ва бошқа ваколатларни ҳам ўз ичига олади. Вакиллик ҳокимиятининг характери кўп жиҳатдан вакиллик тури (принципи) билан аниқланади. Конституциявий ҳуқуқ фанида табақавий, миллий (халқ), корпоратив, конфессионал, минтақавий ва этник вакиллик фарқланади.

ДЕПУТАТ (*лот. deputatus - вакил*) — қонунчилик ёки давлатнинг бошқа вакиллик органига ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органига сайланган шахс, аҳолини маълум қисми — ўз сайлов органи сайловчиларнинг ёки бутун миллатнинг вакили. Депутат мувофиқ келувчи вакиллик органида профессионал асосда, яъни асосий фаолиятини тўхтатмай ишлайди. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланган ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси депутат ҳисобланади.

ДАВЛАТ — ҳуқуқ назариясида жамиятни ташкил этишнинг муайян усули, сиёсий тизимнинг асосий элементи, бутун жамиятга нисбатан амал қиладиган, унинг расмий вакили ҳисобланадиган, зарур ҳолларда мажбурлов чоралари ва воситаларига таянадиган халқ сиёсий ҳокимияти ташкилоти. Давлат, жамиятни бошқарувчи тизим сифатида, ўзининг тузилмасига ҳамда ўз ваколатларини амалга ошириш учун махсус органларга, чунончи: давлат механизми, унинг аппаратига эга бўлади.

Д. — 1. Конституциявий ҳуқуқ назариясида — жамиятни ташкил этишнинг маълум усули, сиёсий тизимнинг асосий элементи, бутун жамиятга тааллуқли бўлган, унинг расмий вакили бўладиган ва зарур ҳолларда мажбурлаш восита ҳамда чораларига таянадиган оммавий сиёсий ҳокимиятни ташкил этиш. Жамиятни бошқарувчи тизим сифатида ички тузилмага, ўз ваколатларини амалга ошириш учун махсус органлар — Давлат механизми, унинг аппаратига эга бўлади. Давлат фаолиятининг асосий йўналишлари: унинг асосий вазифалари ўзаро боғланган ва бири-биридан келиб чиқадиган ички (жамият доирасидаги фаолият) ва ташқи (давлатлараро муносабат)га бўлинади; 2. Конституциявий ҳуқуқ фани ва амалиётида “мамлакат”, “халқаро ҳуқуқнинг асосий субъекти” тушунчаларининг синоними сифатида ишлатилади. 3. Конституциявий ҳуқуқда мамлакат кўламида ёки федерация субъектида ишлаб турган расмий давлат органлари (ҳукумат, парламент, судлар ва бошқалар)нинг мажмуи ёки бу органлар

(префектлар, комиссарлар ва бошқалар)нинг маҳаллий агент (вакил)лари билан ҳудудий ҳокимият қонун чиқарувчилик мухториятидан фойдаланувчилар (масалан, Италиядаги вилоят) назарда тутилган тушунча.

Д. (фуқаролик ҳуқуқида) – ФКнинг 2-моддасига мувофиқ, давлат фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларнинг иштирокчиларидан биридир. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланган – фуқаролар, юридик шахслар ва давлат фуқаролик ҳуқуқида бир-бири билан тенг ҳуқуқли иштирокчи сифатида кўрилади ва бирдан иккинчиси устун ҳисобланмайди. Давлат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида бошқа субъектлар билан ўзаро ҳуқуқий алоқаларга киришар экан, бунда у ўзига тегишли бўлган имтиёзлар: ҳокимият ваколати, ҳукмронлик ва бошқариш фаолияти, устунлик мақомидан воз кечади. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда давлат суверенитет соҳиби сифатида ягона ва бўлинмас субъект ҳисобланади. Давлат суверенитет соҳиби сифатида ҳар қандай ҳуқуқий муносабатда бўлгани каби фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда ҳам ўзига хос манфаатлар асосида иштирок этади. Биринчи навбатда давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат олий ҳокимият, суверенитет соҳиби бўлганлиги туфайли фуқаролик-ҳуқуқий муносабат субъекти сифатида қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга: давлат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида фуқаролик ҳуқуқи субъектлари амал қиладиган қонунларни ўзи белгилайди; давлат иммунитетдан фойдаланади; ҳуқуқ ва муомала лаёқатини чеклаш бўйича бошқа субъектларга тааллуқли бўлган қоидалар давлатга татбиқ этилмайди. Давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги “алоҳида шахс” мақоми гарчи юридик шахсга ўхшаса-да, аммо у билан бир хилда эмас. Зеро, давлат *ipso jure* – юридик шахс эмас. (1)

ДАВЛАТ АППАРАТИ (инглизча *machinery of government* сўзи) – давлат органлари тизими бўлиб, улар фаолияти орқали давлат ҳокимияти ва унинг функциялари амалга оширилади. **Д.а.** яхлит давлат механизмининг таркибий қисми ҳисобланади. **Д.а.**нинг фаолияти мазмуни, унинг фаолиятини ташкил этишнинг принциплари, ходимлар таркиби, иш юритиш шакли ва услублари давлатнинг тегишли функцияларини маромида амалга ошириш эҳтиёжлари билан белгиланади.

Д.А. – конституциявий ҳуқуқ фанида давлат ҳокимияти ва давлат вазифаларини амалий амалга оширадиган органлар тизими. Гап маънода – давлатни бошқаришга оид кундалик ишларни бажарадиган ҳокимият ижро (маъмурий) органларининг мажмуи

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ – давлат органларини ташкиллаштирувчи, ижро этувчи ва фармойиш берувчи фаолияти бўлиб, қонун асосида амалга оширилади. Бу фаолиятни давлат бошқарув органлари амалга ошириб, ижро этиш жараёнида қонунларнинг ва унга асосланган ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлаш учун фармойиш бериш ҳуқуқига эга бўлади. Давлат бошқаруви халқ депутатлари кенгашининг раҳбарлиги ва назорати остида ташкил этилади. Бу фаолият ижтимоий турмушнинг барча тармоқлари - халқ хўжалиги, ижтимоий-маданий, маъмурий-сиёсий соҳаларда ва соҳалараро ташкил этилади ҳамда ҳамма вақт қонунга асосланган бўлади

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ УСУЛЛАРИ – давлат томонидан бошқарув соҳасидаги вазифалар қандай ҳал қилиниши тушунилади. Улар бошқарув фаолиятини сифат томонини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам бошқарув сифатини яхшилаш, унинг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан бошқарув усуллариини такомиллаштиришга боғлиқдир. Давлат ўз олдида қўйилган мақсадларга эришиш йўлида ҳамда вазифа ва функцияларни бажариш учун турли хил усуллардан фойдаланади. Кенг тарқалгани маъмурий усуллари бўлиб, улар ишонтириш ва мажбурлаш усуллари

ДЕПУТАТЛАРНИНГ ИНТИЗОМҲАВВАЖАВОНГАРЛИГИ — депутатларнинг сайланадиган лавозимдан шахслар сифатида юридик жавобгарликларининг алоҳида тури, депутат парламент (палата, вакиллик ҳокимияти бошқа муассасаси) регламенти нормаларини ёки депутатлик этикаси нормаларини бузганлиги учун бошланадиган ва

депутатга нисбатан рўйхати тегишли вакиллик муассасаси регламентида белгиланган интизомий таъсир чора-тадбирларини қўллашда ифодаланади. Замонавий демократия давлатларида вакиллик муассасалари депутатларига нисбатан одатда интизомий таъсирнинг қуйидаги чора-тадбирлар қўлланади: сўздан маҳрум қилиш тўғрисида огоҳлантириш, муҳокама қилинаётган масала бўйича сўздан маҳрум қилиш, йиғилиш залидан чиқариб юбориш, танбех бериш, ойлик депутатлик пулидан маълум суммани ушлаб қолиш. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатининг интизомий жавобгарлиги палата регламентида белгиланади.

МАНДАТ (вакиллик, депутатлик) (*лот. mandatum - топшириқ*) — бирорта вакиллик муассасаси депутати ваколатларининг қонунийлигини, депутат ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажмини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек, парламент ёки бошқа вакиллик ҳокимияти органи депутати зиммасига юклатиладиган оммавий вазифа, унинг мазмуни (мандат характери) конституция ва бошқа конституциявий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади. Ҳозирги демократия давлатларида Мандатнинг ҳуқуқдорлиги депутатнинг дахлсизлиги (**иммунитет**) ва депутатлик фаолияти учун тақдирлов пули олиш (**имдемнитет**)ни ўз ичига олади. Мандат депутатнинг ўз сайловчилари билан ўзаро муносабат шаклини ҳам белгилайди. Ҳозирги демократия давлатларида **умуммиллий** Мандат деб аталмиш мандат бор, унга кўра депутат қандайдир аниқ бир сайлов округининг эмас, балки бутун миллат вакили ҳисобланади. Депутат ўз фаолиятида ҳеч қандай наказ билан боғланиб қолиши мумкин эмас (**императив** Мандат билан) ва ўз Мандати муддати тугамагунча чакириб олинishi мумкин эмас. Кўпгина давлатлар (Италия, РФР, Франция ва бошқалар) конституцияларида императив Мандатни бевосита тақиқловчи кўрсатма бор. Советлар типдаги конституциялар импертив Мандатни, яъни депутатларнинг ўз сайловчилари олдидаги жавобгарлигини қарор топтиради, унга кўра сайловчилар ўз депутатларига наказлар бериш ва уларни қонунда белгиланган тартибда чакириб олиш ҳуқуқига эга.

ПАЛАТАЛАРНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ — икки палатали тузилмага эга бўлган парламентлар иш шаклларида бири. Мамлакатларнинг бирларида парламентнинг қўшма мажлиси парламент ваколатига кирадиган энг муҳим масалаларни: уруш ҳолати ёки сафарбарликни эълон қилиш, давлат бюджетини тасдиқлаш, республика президентини сайлаш ва шу кабиларни ҳал қилиш мақсадида, бошқаларида эса фақат давлат бошлиғи мактубини тинглаш ва бошқа тантанали ҳолатлар учун назарда тутилади. (3)

ПАЛАТАЛАРНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ — икки палатали тузилмага эга бўлган парламентлар иш шаклларида бири. Мамлакатларнинг бирларида парламентнинг қўшма мажлиси парламент ваколатига кирадиган энг муҳим масалаларни: уруш ҳолати ёки сафарбарликни эълон қилиш, давлат бюджетини тасдиқлаш, республика президентини сайлаш ва шу кабиларни ҳал қилиш мақсадида, бошқаларида эса фақат давлат бошлиғи мактубини тинглаш ва бошқа тантанали ҳолатлар учун назарда тутилади. (3)

ПАНАШИРЛАШ (панашаж) (*фр.panachage - аралашма, сайлов рўйхатларини бирлаштириш*) — мутаносиб тизим бўйича вакиллик сайловларида сайловчига турли партия рўйхатларидаги номзодларга бир йўла овоз беришига қонунда белгиланган рухсат. Швейцария, Швеция, Норвегияда қўлланади. (3)

184

ПАРЛАМЕНТ (депутатлар) ФРАКЦИЯСИ — парламент ёки унинг палатасида бир партияга мансуб депутатлар бирлашмаси. Одатда Парламент фракцияси таркибига партиянинг етакчилари ва кўзга кўринган арбоблари киради. Парламент фракцияси

партиявий интизом билан боғланган бўлади. Партия фракциясига махсус органлар бошчилик қилади. Алоҳида муҳим овоз беришлардан олдин Парламент фракциялари кенгашиб олади. Парламент фракцияларини ташкил этиш ва улар фаолияти масалаларини парламент ва унинг палаталари регламентлари, шунингдек конституциявий одатлар бошқариб туради. Ўзбекистон Республикасида 2002-йил 12-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонунининг 23-моддасиги мувофиқ депутатлар фракцияси қуйидаги тартибда тузилади: Қонунчилик палатаси депутатлари сиёсий, профессионал ва бошқа асосда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари шаклида депутатлар бирлашмаларини тузиши мумкин. Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир. Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга. Фракциялар ва депутатлар гуруҳлари рўйхатдан ўтиши керак. Қонунчилик палатасининг мажлисида фракция ва депутатлар гуруҳининг раҳбари ёки бошқа вакили тегишинча фракция ёки депутатлар гуруҳи тузилгани ҳақида палатага ахборот беради, бу Қонунчилик палатаси мажлисининг баённомасида қайд этилади. (3)

ПАРЛАМЕНТ (ингл. parliament, франц. parlement — гапирмоқ сўзидан) — демократик давлатларда олий вакиллик ва қонунчилик органининг номи. Буюк Британия, Франция, Италия, Канада Бельгия, Молдова, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларда олий вакиллик органи «парламент» деб юритилади; АҚШда ва Лотин Америкасининг кўпгина мамлакатларида п. конгресс деб, Россия Федерациясида — Федерал Мажлис — Россия Федерацияси П. деб, Литва ва Латвияда — сейм деб аталади. Тузилишига кўра П. бир палатали ёки икки палатали бўлади (қаранг: Икки палатали тизим, Бир палатали тизим). Тарихда уч палатали п. ҳам бўлган (масалан, ЖАРда 1984-1994 йилларда). П. биринчи марта XIII асрда Англияда табақаларнинг вакиллик органи сифатида ташкил қилинди; XVII—XVIII асрлардаги буржуа инқилобидан сўнг реал аҳамият касб этди. «П» номи Европада XIX асрнинг биринчи ярмида француз ва инглиз андозасига кўра кенг тарқалди. Ҳолбуки, инқилобдан олдинги Францияда қонунчилик органлари эмас, округларнинг суд органлари п. деб аталар эди. 1789 й. инқилобига қадар Францияда мавжуд бўлган табақаларнинг вакиллик органлари Бош Штатлар деб аталарди. Аммо п.лар инқилобдан олдин ҳам ўзларини нафақат суд муассасалари, балки қиролларнинг қонунчилик фаолиятини уларнинг фармонлари ёзилган ҳуқуқ ёки одатларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан назорат қилиш ваколатига эга бўлган органлар деб ҳисоблар эдилар. Шу тариқа улар қирол ҳокимиятининг қонунчилик фаолиятига аралашиб, қонунчиликни назорат қилиш функцияларини аста —секин ўзлаштира бошладилар. XVIII аср ўрталарида п.лар Франция олий судлари жамулжам ҳолда давлатнинг асосий қонунлари ва фуқароларнинг ҳуқуқларини кўриқловчи «Франциянинг ягона П.»ни ташкил этади, деган ғояни илгари сурдилар. Табиийки, Буюк француз инқилобидан сўнг халқ вакиллиги қонунчилик органлари Бош Штатлар деб эмас, балки п. деб номланди. Ҳозирги давлатларда п. қонунчилик функцияларидан ташқари назорат функцияларини ҳам бажаради (қаранг: Парламент назорати, Омбудсман), одатда ҳукуматни шакллантириш ва судьяларни тайинлашда иштирок этади. Давлат бюджетини тасдиқлаш П.нинг муҳим ваколатларидан бири ҳисобланади. Айрим ҳолларда П. ёки унинг муайян палатаси суд функцияларини ҳам бажариши мумкин (қаранг: Импичмент). Парламентлар умумхалқ сайловида муайян муддатга сайланади. Одатда парламентнинг ваколат муддати тўрт йил (Молдова, Грузия, Литва, Украина, Арманистон, Эстония, Россияда Давлат Думаси, АҚШда Вакиллар палатаси) ёки беш йил (Озарбайжон, Ўзбекистон, Туркменистон)ни ташкил этади. Баъзан парламент бундан камроқ муддатга сайланиши ҳам мумкин (Латвияда — уч йил). Ҳукумат парламент олдида жавобгар бўлган мамлакатларда парламент (одатда унинг қуйи палатаси) давлат бошлиғи ёки

хукумат томонидан муддатидан илгари тарқатиб юборилиши мумкин (қаранг: Парламентнинг тарқатилиши). Айрим давлатлар (Тожикистон, Туркменистон)да парламент депутатларнинг кўпчилик овози билан ўзини ўзи тарқатиб юбориши ҳам назарда тутилган. Парламентларнинг юқори палаталари (тўлиқ ёки қисман) бошқача йўл билан шаклланиши ҳам мумкин. Баъзи мамлакатларда давлатнинг собиқ президентлари лавозимига кўра юқори палаталарнинг аъзолари ҳисобланадилар. Қозоғистонда юқори палата (Сенат)нинг етти аъзосини республика президенти тайинлайди. Россия ва Германияда юқори палаталар федерация субъектлари ҳокимият органларининг вакилларидан ташкил топади. Бир қанча мамлакатларда юқори палаталарнинг таркиби ротация тартибида янгилаб турилади (АҚШ, Қозоғистон). Сессиялар парламент ишининг муҳим шакли ҳисобланади (қаранг: Парламент сессияси). Умумий қоидага кўра икки палатали парламентнинг палаталари алоҳида иш олиб боради, аммо айрим ҳолларда палаталарнинг қўшма мажлислари чақирилиши мумкин. Бир палатали парламент (икки палатали парламентнинг ҳар бир палатаси) ўз ишига раҳбарлик қилиш учун раис: Буюк Британияда — спикер, Польшада — маршал, Швецияда — тальман сайлайди. Айрим мамлакатларда юқори палата раиси конституцияда кўрсатилган мансабдор шахс (АҚШ, Ҳиндистон, Аргентинада — вице — президент) бўлиши мумкин. Баъзи мамлакатлар (Латвия, Тожикистон, Туркменистон)нинг конституциявий қонунчилиги парламентда бир қанча ташкилий ваколатларга эга бўлган махсус орган — Раёсат тузилганлигини назарда тутди. Раёсат сессиялар ўртасидаги танаффусларда алоҳида аҳамият касб этади. Бош органдан ташқари, ҳар бир парламент (палата) қонун лойиҳалаш ишини олиб бориш ва парламентнинг бошқа функцияларини бажаришга ёрдам бериш учун ўз қўмиталари ва комиссияларини тузади. Қоида тариқасида, қўмиталар партияларнинг пропорционал вакиллик тизимида асосан шакллантирилади. Муайян қонун лойиҳалари юзасидан палаталар ўртасида чиққан келишмовчиликларни бартараф этиш учун тузиладиган палаталарнинг келишув комиссиялари парламентнинг махсус (фавқулодда) органлари ҳисобланади. Кўппартиявий тизимли мамлакатларда парламент (палата) депутатлари партиявий мансублигига қараб фракцияларга бирлашади. Депутатлар бирлашмаларининг яна бир шакли — депутатлар гуруҳлари ҳам сиёсий, ҳам ҳудудий белгига кўра тузилиши мумкин. Парламент мақомини ва унинг фаолиятини ташкил этиш масалаларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизими парламент ҳуқуқи деб аталади. Парламент ёки унинг муайян палатаси фаолиятининг ички тартибини (таомилини) белгиловчи муҳим ҳужжат регламент ҳисобланади.

ПАРЛАМЕНТ ИНДЕМНИТЕТИ — (ингл. Indemnity лотинча indemnitasдан - зарарсизлик) 1. Парламент депутатларининг жавобгар эмасликларидан иборат бўлган имтиёзлари. Депутатларнинг жавобгар эмасликлари депутатни у депутатлик мажбуриятларини бажариш вақтида содир этган барча хатти-ҳаракатлари (парламентда нутқ сўзлаш, овоз бериш, комиссияларда иштирок этиш ва бошқалар) учун таъқиб этилмаслигини англатади. Ҳеч ким, шунингдек, парламентнинг ўзи ҳам бундай хатти-ҳаракат учун, ҳатто у парламент аъзолигидан чиққанидан кейин ҳам депутатни жавобгарликка жалб этолмайди. Парламентдаги фаолияти учун (депутатларни) тақдирлаш, бунга қароргоҳ, ёзишмалар, сафарлар ва шу кабилар харажатларини қоплаш ҳам киради. (3)

ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯЛАРИ — парламент ташкил қиладиган (палаталарнинг ҳар бирига ёки иккала палата биргаликда — бирлашган Парламент комиссиялари) ёрдамчи органлар. Қонунчилик Парламент комиссиялари муҳим ролни ўйнайди, чунки парламент қабул қиладиган қонунлар лойиҳалари қарор ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг катта қисми кўриб чиқиш учун шу комиссияларга берилади. Парламент комиссиялари ваколат муддати, ихтиёридаги мавзу ва ҳуқуқ ҳажмига кўра доимий (парламент ваколатининг бутун муддатига ташкил этилади), муваққат,

ихтисослашганларга бўлинади. Кўпчилик давлатлар (АҚШ, Франция, Италия, ГФР, Финландия ва бошқалар)да парламентлар доимий қонунчилик комиссияларини ташкил қилади, бунда қоидага кўра бу Парламент комиссиялари ихтисослашади (иктисодий, молиявий, қишлоқ хўжалиги, ҳарбий ва бошқалар). Муваққат комиссиялар (кўпинча ихтисослашмаган) бирорта аниқ масалани кўриб чиқиш учун ташкил этилади. Буюк Британия Умумпалатаси ихтисослашмаган характердаги қатор доимий Парламент комиссияларини (А, В, С, Д кўмиталари ва бошқалар) ташкил қилади. АҚШ, Италия ва айрим бошқа давлатларда шундай Парламент комиссиялари ташкил этиладики, улар ўзларига кўриб чиқиш учун тақдим этилган қонун лойиҳаси муносабатида жуда кенг ваколатларга эга бўлади. Парламент комиссиялари одатда регламентга мувофиқ сайлов йўли билан ташкил этилади ва ўз таркибида парламентдаги партиялар кучлари нисбатини сақлайди. Махсус (текширувчи) Парламент комиссиялари ҳам кенг ёйилган, улар палаталарнинг махсус топшириқларини бажаради ёки давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органлари, ижтимоий ташкилотлари, корхоналар ва шу кабилар фаолиятини текширади. Айрим мамлакатларда парламент таомилини соддалаштириш мақсадида палатанинг ҳамма депутатларини ўз ичига оладиган, аммо тегишли кўмита раиси (палата раиси эмас) раҳбарлиги остида ишлайдиган бутун палата кўмиталари (масалан, Буюк Британия умумпалатасининг йўл ва воситалар кўмитаси) ташкил этилади. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонунига кўра Олий Мажлис палаталари вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиши мумкин. Комиссиялар палаталар мажлисида унинг аъзолари орасидан тузилади. Айни пайтда комиссияни тузишдан кўзланган мақсад ва унинг ваколатлари белгиланади. Комиссиялар ўз фаолиятини зиммасига юклатилган вазифалар бажарилганидан кейин ёки палаталарнинг қарорига биноан муддатидан илгари тугатади. Комиссияларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартиби палаталарнинг Регламентида белгиланади.

ПАРЛАМЕНТ МУЗОКАРАЛАРИ — парламент фаолияти шаклларида бири бўлиб, депутатларнинг қонун лойиҳаси ёки қарорлар лойиҳаларини парламент ёки уни алоҳида палатаси умумий мажлисда муҳокама қилинишидан иборатдир. Парламент регламенти белгиллаган тартибда ўтказилади. 2003 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисидаги қонунининг 14-моддасига мувофиқ, қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг кўмиталарида муҳокама қилиш очик, қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг вакили таклиф этилган ҳолда ўтказилади.

ПАРЛАМЕНТ МУҲОЛИФАТИ — ҳукуматни ташкил қилишда иштирок этмайдиган, қатор принципиал масалаларда ҳукумат сиёсатига қарши чиқадиган бирорта партиянинг парламентдаги депутатлари гуруҳи ёки парламент фракцияси. Қатор мамлакатларда (масалан, Буюк Британияда) парламент регламентлари ёки одатий ҳуқуқ нормалари Парламент муҳолифати мақоми ва ҳуқуқларини мустаҳкамлайди, жумладан парламент муҳолифати аъзоларининг парламент (ёки унинг палатаси) органларидаги вакиллик квотасини белгилайди, унинг етакчисига махсус маош тайинлайди.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ — давлат назорати шаклларида бири. Асосан умуман сиёсий, баъзи ҳолда маъмурий тусда бўлади. Парламентар давлатларда ва президентлик республикаларида ҳукумат фаолияти устидан Парламент назорати алоҳида аҳамият касб этади. Бундай назоратнинг асосий метод ва шакли ишонч тўғрисидаги масала, танбех резолюцияси, интерpellация, ҳукуматга оғзаки ва ёзма саволлар (парламент саволлари) парламент текширишидир. Президентлик республикаларида ҳукумат фаолияти устидан Парламент назоратининг аҳамияти камроқ; унинг асосий воситаси парламент текшируви ҳисобланади, у истисно ҳоллардагина импичмент таомилини қўллашга олиб келиши

мумкин. Кейинги ўн йилликда инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан Парламент назорати борган сари кўпроқ аҳамият касб этмоқда, бу турли мамлакатларда инсон ҳуқуқлари бўйича парламент вакили (қ. Омбудсман) институти (тартиботи)нинг кенг ёйилишида ўз ифодасини топмоқда. Парламентнинг махсус органлари: ҳисоб палатаси, ҳисоб судлари ва бошқалар орқали амалга ошириладиган молиявий ва молиявий-иқтисодий назорат Парламент назоратининг алоҳида тури ҳисобланади. Парламент назоратининг бу тури энди сиёсий эмас, балки маъмурий тусга эга бўлади. Ўзбекистон Республикасида парламент назорати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан амалга оширилади. 2003-йил 28-августдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисидаги қонунларига мувофиқ амалга оширилади. Бу назорат парламент сўрови, қонунчилик палатаси депутати сўрови ва ҳар йилги Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг ҳисоботларини эшитиш орқали амалга оширилади.

ПАРЛАМЕНТ ПАЛАТАСИ-қонун чиқарувчи олий давлат органини ташкил этувчи, турли табақа вакилларида ёки депутатларидан иборат давлат муассасаси.

ПАРЛАМЕНТ СЕССИЯСИ (лот. sessio - йиғилиш) — парламент (парламент палаталари) ва уни комиссияларининг ялпи мажлиси бўлиб ўтадиган давр. Ҳар бир йил мобайнида навбатдаги Парламент сессиясининг неча марта бўлиши қонун ёки одат бўйича белгиланади. Кўрсатилган сондан ортиқча ҳамда ноодатий вақтда чақириладиган Парламент сессиялари Ҳақулодда (навбатдан ташқари, экстраординар) сессиялар деб аталади. Ўзбекистон Республикасида Қонунчилик палатаси мажлислари конституциямизнинг 81-моддасига биноан сессиялар даврида ўтказилади. Сессиялар, қоида тариқасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июнь ойи охиригача иш кунига қадар ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Мажлислари заруратга қараб, йилига камида уч марта ўтказилади.

ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ — парламентар давлатларда ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратининг шаклларида бири. Парламент саволларини депутатлар оғзаки ва ёзма беришлари мумкин. Парламент регламенти Парламент саволлари берилиши мумкин бўлган қоидаларни, уларни киритиш тартибини, шунингдек, ҳукумат ёки алоҳида вазир жавобни тақдим этиши лозим бўлган муддатни белгилайди. Умумий қоидага кўра, Парламент саволига жавоб Парламент саволи қандай шаклда (оғзаки ёки ёзма) берилган бўлса, шундай шаклда қайтарилади. Парламент саволлари ва ҳукуматнинг уларга жавоблари (интерпелляциядан фарқ қилиб) ҳукуматга ишончсизлик билдириш масаласини қўйиш учун мустақил сабаб бўлмайди. 2002 йил 12-декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги қонунининг 12-моддасига мувофиқ Қонунчилик палатаси ва Қонунчилик палатаси депутати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови йўллашга ҳақли. Парламент сўровига жавобни давлат ҳокимияти бошқарув органларининг мансабдор шахслари Қонунчилик палатаси мажлисларида берадилар. (3)

ПАРЛАМЕНТ ТАЪТИЛЛАРИ — парламент сессиялари ўртасидаги давр, бундан депутатлар дам олиш ва ўз округларида сайловчилар билан ишлаш мақсадида фойдаланишади. (3)

ПАРЛАМЕНТ ТЕКШИРУВИ — парламентни назорат ваколатларини амалга ошириш усулларида бири. Қоидага кўра вақтинчалик характердаги махсус ташкил этиладиган парламент (тергов) комиссиялари томонидан амалга оширилади. Парламент текшируви, агар йўл қўйилган қонун бузилиши сиёсий тусда, шунингдек, бошқа сиёсий инцидентларга эга бўлса, одатда парламентга ҳисобдор бўлган ижро этувчи ҳокимият органлари муносабатида ўтказилади. (3)

ПАРЛАМЕНТ ЎҚИШЛАРИ (қонун лойиҳасини ўқиш) — парламентда ёки унинг алоҳида палатасида қонун лойиҳасини муҳокама қилиш (кўриб чиқиш)нинг изчил босқичлари (бутун қонунчилик жараёни босқичлари билан аралаштирмаслик керак, чунки қонун лойиҳасини парламентда кўриб чиқилиши мана шу босқичлардан бири ҳисобланади). Турли парламентларда ўқишлар сони биттадан-тўрттагача бўлади. Одатда қонун лойиҳаси уч марта ўқилади. Биринчи ўқиш шундан иборатки, унда палата раиси қонун лойиҳаси сарлавҳасини эълон қилади, шундан сўнг қонун лойиҳаси унинг соҳасига мувофиқ келувчи доимий комиссияга топширилади. Комиссиялар тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритади. Сўнгра қонун лойиҳаси муаллифлар номидан қилинадиган маъруза ва комиссиянинг қўшимча маърузаси билан палатанинг ялпи мажлисига қайта киритилади. Иккинчи ўқишда қонун лойиҳасининг барча тафсилотлари муҳокама қилинади, депутатлар киритадиган қўшимча ва тузатишлар овозга қўйилади. Учинчи ўқишда қонун лойиҳаси яхлит овозга қўйилади, бу босқичда унга фақат таҳририй тузатишлар киритиш мумкин. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини, қоида тариқасида, бир неча ўқишда кўриб чиқади. Республикамизда қонун лойиҳаларини ўқиб чиқиш ўзига хос хусусиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги қонуннинг 29-моддасига мувофиқ, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини, қоида тариқасида, бир неча ўқишда кўриб чиқади. Қонун Қонунчилик палатаси томонидан палата депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, конституциявий қонунни қабул қилиш ҳамда унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг 3/2 қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.

ПАРЛАМЕНТ ҲУҚУҚИ — парламентлар ва улар палаталарининг аъзолари якка ва жамоавий тартибдаги ҳаракатларида риоя қилишлари лозим бўлган ёзма ва одатий нормалар мажмуи, парламентнинг «ички қонуни», унинг мутлақ ваколати ҳисобланади. Парламент ҳуқуқининг асосий манбаи парламент (парламент палатаси)нинг регламенти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлис фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2003-йил 28-августдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисидаги қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

ПАРЛАМЕНТАР МОНАРХИЯ — конституциявий монархиянинг икки туридан бири (дуалистик билан бирга). Монарх ўз вазифаларини фақат номигагина бажариши билан ифодаланади. Ҳатто конституция унга катта ваколатлар берган тақдирда ҳам (Нидерландия, Даниядаги каби) конституциявий-ҳуқуқий одат туфайли у бу ваколатлардан мустақил фойдалана олмайди. Монарх чиқарадиган барча ҳужжатлар вазирлар томонидан расмий маъқулланиши керак (контрассигнатура деб аталмиш). Қатор Парламентар монархияларда (Япония, Швеция) монарх конституцияга кўра ҳатто расман ҳам бирорта жиддий ваколатга эга эмас. Парламентар монархияда ҳукумат расман ва ҳақиқатда парламент олдида ҳисобдор, конституцияга кўра давлатнинг бошқа органлари орасида расмий устуворлик парламентга тегишлидир.

ПАРЛАМЕНТАР РЕСПУБЛИКА — бошқарувни республика шаклининг тури (қ. Республика), парламеннинг расман тўла ҳокимиятли орган ҳисобланиши, у ўзига сиёсий ҳисобдор бўладиган ҳукуматни тузади ва ижро этувчи ҳокимиятни эмас, балки фақат давлат бошлиғи ҳисобланувчи президентни сайлайди (бевосита ёки сайлашга вакил қилинганлар махсус ҳайъати таркибида). Президент ўз ваколатларини қоидага кўра бош вазир бошчилиқ қиладиган ҳукумат таклифига биноангина амалга оширади. Парламент ҳукуматни агар у парламент кўпчилиги қўллаб-қувватлашидан маҳрум бўлса, ишончсизлик билдириб, истеъфога чиқариши мумкин. Бу ҳолатда президент ҳукумат таклифига кўра парламентни тарқатиб юбориш ва муддатидан олдин сайловларни эълон қилиш ҳуқуқига эга. Парламентар республиканинг классик модели ГФР, Италия, Венгрия, Чехия, Латвия, Эстонияда мавжуд.

ПАРЛАМЕНТАРИЗМ — вакиллик қонун чиқарувчи орган — парламентнинг бошқа давлат органлари муносабатида расмий устувор бўладиган шароитда қонун чиқарувчилик ва ижро этувчилик вазифаларининг аниқ тақсимланиши билан ифодаланадиган бошқарув тизими. Парламентаризмда ҳукуматни парламент тузади ва бу ҳукумат парламентга ҳисобдор бўлади.

ПАРЛАМЕНТГАЧА (қонунчиликкача) РЕФЕРЕНДУМ — сайловчиларнинг овоз бериши, унга парламент ҳали тасдиқламаган ҳужжатлар қўйилади. Шунингдек қ. Референдум.

ПАРЛАМЕНТДА ЭШИТИШ — парламент ёки унинг палаталари фаолияти шаклларида бири бўлиб, парламент аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари, шунингдек аниқ қонун лойиҳаси ёки парламент ваколати доирасига кирувчи бошқа масалалар бўйича экспертлар фикрини эшитишдан иборат бўлади. Парламентда эшитиш, қоидага кўра, парламент кўмиталари, комиссиялари ёки белгиланган миқдордаги депутатлар гуруҳи ташаббуси билан ўтказилади. Парламентда эшитишни ўтказиш парламент ёки унинг палатаси регламенти билан бошқарилади. Парламентда эшитиш очиқ ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Парламентда эшитиш натижалари асосида муҳокама қилинган масала юзасидан хулоса (тавсия)лар қабул қилиниши мумкин.

ПАРЛАМЕНТНИ ТАРҚАТИБ ЮБОРИШ — парламентар давлатларда, шунингдек, аралаш турдаги республикаларда давлат ҳокимиятини амалга ошириш конституциявий механизмнинг асосий элементларидан бири. Парламентни тарқатиб юбориш (муддатидан олдин парламентга сайловларни эълон қилиш) ҳуқуқи давлат бошлиғига тегишли (гарчи бундан у, қоидага кўра фақат ҳукумат «илтимосига» биноан фойдаланса-да) ҳамда у ҳукуматнинг парламент олдидаги жавобгарлиги тартиботига (институтига) қарши қўйиладиган тартиб ҳисобланади. Мувофиқ давлатлар конституцияларида одатда Парламентни тарқатиб юбориш мумкин бўладиган ҳолат ва шарт-шароитлар рўйхати аниқ белгиланади. Конституцияларда назарда тутилган Парламентни тарқатиб юбориш мумкин ёки ҳатто зарур бўлган ҳолатлар қуйидагилардир: 1. Ҳукуматни тузиш (Болгария, Польша) ёки республика президентини сайлаш (Греция) мумкин эмаслиги; 2. Парламентнинг ҳукуматга ишончсизлик билдириши (Буюк Британия, Словакия, Эстония), ҳукуматга белгиланган муддат мобайнида такрор ёки кўп қарра ишончсизлик билдирилган (РФ, Венгрия), ҳукумат таклиф этган давлат бюджетини белгиланган муддатда қабул қилмаслик (Польша, Эстония) ва бошқалар. Парламентни тарқатиб юбориш имкониятининг асосий чекловлари қуйидагилар ҳисобланади: энг аввало, қоидага кўра, икки палатали парламентнинг юқори палатаси тарқатилиши мумкин эмас, парламент фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат амалда бўлиб турган вақтда тарқатиб юборилиши мумкин эмас (РФ, Франция, Италия, Польша), давлат президенти ваколатининг охириги 6 ойида (ёки бошқа

муддатда) (РФ, Италия, Литва) ёки дастлабки 6 ойда (Литва), парламент ваколатининг биринчи йилида (РФ, Франция), қатор мамлакатларда парламент маълум давр мобайнида белгиланган миқдордан ортиқча тарқатилиши мумкин эмас (масалан, Руминияда бир йилда бир мартадан ортиқ эмас) ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлисни тарқатиб юбориш тартиби конституциямизнинг 95-моддасида ифодаланган. Унга мувофиқ Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши мумкин.

РЕГЛАМЕНТ (*полякча reglament, франц. reglementдан, regle - қоида*) — 1.Вакиллик органлари мажлис, йиғилиш, сессия ва съездларини олиб бориш тартиби. 2. Палата ёки бир палатали парламент фаолиятининг ички ташкил этилиши ва шакллари тартибга солувчи (доимий ёки муваққат) қоидалар тўплами, шунингдек, депутатнинг ҳукукий ҳолати. Қоидаларни палаталар конституциялар, конституциявий ва органик қонунларда бор бўлган принциплар ва бошқа кўрсатмаларга мувофиқ қабул қилади. Палаталарда одатда Регламентга риоя қилинишини назорат қилувчи махсус кўмиталар тузилади. 3. Ҳукумат ишининг ички ташкил этилиши ва тартибини тартибга солувчи қоидалар тўплами. 4. Франция, Италия ва айрим бошқа давлатларда регламентар ҳокимиятни амалга ошириш тартибида ҳукуматлар қабул қиладиган ҳужжатлар номи. Регламент олий давлат органларининг ички фаолият тартибини белгилаб берувчи қоидалар мажмуи.

СЕНАТ (лот. “senex” – оқсоқол, оқсоқоллар кенгаши) – Ўз.Рда Сенат– ЎзР Олий Мажлисининг юқори ва ҳудудий вакиллик палатаси ҳисобланади ҳамда ЎзР Конституцияси ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўз.Р конституциявий қонуни асосида фаолият кўрсатади. **С.** аъзолари (сенаторлар) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Сайлов куни 25 ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Сенат аъзоси бўлиши мумкин.

СИЁСИЙ ПАРТИЯ — ўз аъзолари ва тарафдорларининг сиёсий иродасини ифода этадиган, шу давлат сиёсий йўналишини белгилашда, давлат ҳокимият органларини шакллантиришда, шунингдек, ҳокимиятни ўзининг вакиллик ҳокимият органларига сайланган вакиллари орқали амалга оширишда иштирок этишни ўзига вазифа қилиб олган барқарор тузилмага ва доимий фаолият характериға эга бўлган мустақил ижтимоий бирлашма. Партиянинг аниқ юридик таърифи аниқ давлатлар қонунчилигида берилади ва улар маҳаллий сиёсий ва ҳукукий анъаналарға кўра жиддий фарқланиши мумкин.

СПИКЕР (*ингл. Speaker – сўзма-сўз нотиқ*) — инглиз-саксон мамлакатларида, шунингдек, инглиз-саксон давлат ҳуқуқ тизими у ёки бу даражада қабул қилинган мамлакатлар (Ҳиндистон, Нигерия, Вануатр ва бошқалар)да парламент қуйи палатасининг

раиси. Расман парламент, ҳақиқатда – кўпчилик партияси сайлайди. Буюк Британияда умумпалата Спикери партиядан ҳоли ҳисобланади. Спикер палата мажлисларига бошчилик қилади, палата ўзини палата кўмиталарига айлантирган ҳолат бундан мустасно. Палата давлат бошлиғи билан алоқани Спикер орқали амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг раиси Спикер деб номланади. (3) 236 б

ЯЛПИ МАЖЛИС — вакиллик ҳокимияти органлари фаолиятининг муҳим шакли, бунда парламент, унинг палаталари ёки бошқа вакиллик органи тўла таркибда йиғилади. Мазкур вакиллик органи ваколатига кирадиган муҳим масалалар, масалан, раҳбар мансабдор шахс ва органларни сайлаш, бюджетни тасдиқлаш, ваколатларни бериш ва шу кабилар бўйича қарорлар фақат Ялпи мажлисда қабул қилинади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ – «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги 2002 йил 12 декабрдаги конституциявий қонунларга кўра, **Қ.п.** ва **С.** ўзининг ваколатларига киритилган масалалар, жумладан, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига оид масалалар юзасидан, шунингдек, ушбу палаталарнинг ички фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади. **Қ.п.** ва **С.**нинг умумсиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа масалалар юзасидан қилган баёноتلари ва мурожаатлари ҳам қарор билан расмийлаштирилади. **Қ.п.** ва **С.** қарорлари, одатда, депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Мазкур қарорлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномасида нашр этилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Кафедра: Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви

**Мавзу: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИС
СЕНАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

Р Е Ф Е Р А Т

Бажарди: Абдурахмонов Тохир Азизхон ўғли
2-мутахассислик факультети 3-курс
“А” поток 1-гуруҳ талабаси

Илмий раҳбар: ю.ф.н., доц. С.М.Хидиров

Тошкент-2006

РЕЖА

Кириш	1.
1.Ўзбекистон Республикаси парламент ҳуқуқи тизимида Сенатнинг ўрни.....	
2.Сенатнинг ташкилий тузилмаси ва унинг раҳбар органлари ҳамда .мансабдор шахсларини шакллантириш тартиби.....	
3.Сенат Кенгаши, қўмиталар ва комиссиялари фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларнинг вазифалари	
5.Сенатнинг қонунчилик жараёнидаги иштирокининг ҳуқуқий асослари.....	
6. Сенат томонидан парламент назоратини амалга ошириш механизм ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	
ХУЛОСА	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

Фойдаланилган адабиётлар

АДАБИЁТЛАР.

Раҳбарий адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Т-1.–Т.: Ўзбекистон 1996.- 364-б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин: Т-2.–Т.: Ўзбекистон, 1996.-380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир: Т-3.–Т.: Ўзбекистон, 1996.-338 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан: Т-4.–Т.: Ўзбекистон, 1996.- 349 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби: Т-5.–Т.: Ўзбекистон, 1997.-384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т-6.–Т.: Ўзбекистон, 1998.-429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз: Т-7.–Т.: Ўзбекистон, 1999.-4 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз: Т-8.–Т.: Ўзбекистон, 2000.-528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз: Т-9.–Т.: Ўзбекистон, 2001.-432 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.Т.10-Т.: “ Ўзбекистон”, 2002.-432б
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11-Т.: “ Ўзбекистон”, 2003.-320б
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12-Т.: “ Ўзбекистон”, 2004.-400б
13. Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди». Т., “Ўзбекистон” НМИУ. 2005.-64б.
14. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13-Т.: « Ўзбекистон”, 2005.-448б
15. Каримов И.А. “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият» Т.: «Ўзбекистон», 2005. – 48 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон» 2003 .- 40б.
2. “Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги қонун // Ўзбекистон республикаси қонунлар тўплами, 2005 й, №8-9, 64 бет.
3. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 02.12.2004 й. 704-II Қонуни билан тасдиқланган //

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2004 й.
- 4 “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 02.12.2004 й. 706-II Қонуни билан тасдиқланган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2004 й.
- 5 “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 518-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 132-модда
- 6 “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 518-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 132-модда (Хужжатнинг олдинги таҳририга қаранг)
- 7 “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 520-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 134-модда
- 8 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 522-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 136-модда
- 9 “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 523-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 137-модда
- 10 “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 04.04.2002 й. 350-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 4-5-сон, 60-модда
- 11 “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 432-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 12-сон, 213-модда // Ўзбекистон Республикаси 25.04.2003 й. 482-II-сонли Қонун билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 5-сон, 67-модда
- 12 “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 434-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 12-сон, 215-модда // Ўзбекистон Республикаси 25.04.2003 й. 482-II-сонли Қонун билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 5-сон, 67-модда
- 13 “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги (Янги таҳрири)

- Ўзбекистон Республикаси 30.08.2001 й. 265-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 9-10-сон, 176-модда // Ўзбекистон Республикаси 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонун билан ўзгартиришлар киритилган
- Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 02.09.1993 й. 913-XII-сон Қонуни) / Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси 1993 й. 9-сон, 320-модда // Ўзбекистон Республикаси 30.08.1997 й. 485-I-сон Қонуни, 25.12.1998 й. 729-I-сон Қонуни, 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997 й. 9-сон, 241-модда, 1999 й. 1-сон, 20-модда
- 14 “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 14.04.1999 й. 758-I-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1999 й. 5-сон, 110-модда
- 15

Дарсликлар ва ўқув услубий қўлланмалар.

1. Тўлаганов А. Т. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари. Дарслик. Т. : Адолат. 2001 йил .
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳукуки . Дарслик. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 480 б.
3. Одилқориев Х.Т, Тультеиев И.Т, Мухамедов Ў.Х. Конституциявий ҳуқуқ. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005 й. 752 б.
4. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Том 3. Отв. ред. Б.А.Страшун. -М.: Бек. 1997. - 764 с.
5. Парламенты мира: Сб. -М.: Интерпракс. 1991. - 624 с.
6. Конституционное право зарубежных стран. /В.Е. Чиркин• Москва: Изд-во "Юристь", 2002. - 622 с.

Қўшимча адабиётлар.

1. Конституции мира (Сборник конституций государств мира. Т.2). Сост. и автором введения, вступительных статей У.Таджиханов и А.Х.Саидов.-Т.: Академия МВД Республики Узбекистан.1997. - 480 с.
2. Одилқориев Х. Т Икки палатали парламент. 2005.234-б.
3. Халилов Э.Х. Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида Олий Мажлис фаолиятининг асосий йўналишлари // Ҳаёт ва қонун. 1998. №5. 2-11 б.
4. Беков. И, Аббосхўжаев. Ш. Сайлов ва сиёсий партиялар.Рисола.-Т.: ТДЮИ, 2004.—35 б.
5. Беков. И., Аббосхўжаев.Ш. // Сиёсий партияларнинг маҳаллий вакиллик органларини шаклланишида иштироки. - Ишонч.- 28 сентябрь. -2004.
6. Ибодуллаев Ж. Сайлов системасини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий муаммолари. // Илмий тўплам. -СамДУ. -1996. -18 б.
7. Мустафоев Б., Аҳмедов Д. Избирательное право и избирательный процесс в Узбекистане. Рисола.-Т.: ТГЮИ, 2004.—32 с.

8. Мустафоев.Б. Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги. Рисола.-Т.:ТДЮИ, 2004.— 34 б.
9. Мустафоев.Б. Назаров Қ. Ким депутат бўлиши мумкин? Рисола.-Т.: ТДЮИ, 2004.—48 б.
- 10.Рустамбоев М.Х. Ответственность за нарушение законодательства о выборах. Брошюра. -Т.:ТГЮИ, 2004.— 36 с.

WEB ресурслар

1. http://rada.gov.ua/zakon/skl3/BUL141/14_1.htm
2. <http://school-sector.relarn.ru/prava/school/classes/8-9/1.htm>
3. http://www.connect.uz/links_edu.php?cat=2&pre=4&gra=3
4. <http://www.assembly.go.kr/>

М У Н Д А Р И Ж А

1. Кириш.....	3
2. Фаннинг ўқитилишининг мақсад вазифалари.....	5
3. Ташкилий услубий кўрсатмалар.....	7
4. Фаннинг дастури.....	14
5. Семестр бўйича ўқув юклама ҳажми, ўзлаштириш назорати.....	18
6. Машғулотларнинг мавзулар бўйича режаси.....	19
7. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фани бўйича маъруза тезислари.....	20
8. Мустақил иш режаси.....	106
9. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фанидан изоҳли луғат.....	107
10. Иловалар.....	119
11. Мундарижа.....	125

САДРИДДИН ХИДИРОВ

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ

(ташкилий - услубий кўрсатмалар, маъруза ва мустақил иш режалари, реферат ёзиш бўйича услубий кўрсатмалар, тест саволлари, изоҳли луғат, схемалар)

сиртқи таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун

ЎҚУВ - УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Мухаррир

Техник муҳаррир

Мусаввир

Компьютерда саҳифаловчи

Босишга рухсат этилди: й.

Қоғоз бичими А-5. Босма табоғи 6. Адади 500 нусха.

_____ - буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

_____ **босмахонасида чоп этилди.**

7000 __, Тошкент, _____ кўчаси, 35